

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВА
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ ВА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ

5140900 - Касб таълими (Агрономия) йўналиши

4-01 гуруҳ талабаси Жуммаева Лобар Турсуновнанинг

БИТИРУВ

МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Касб ҳунар коллежи ўқувчиларида маънавий сифатларни
шакллантиришнинг самарали омиллари”**

Илмий раҳбар:

Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси

кафедраси доценти п.с.ф.н. Н.Н.Шомуротова

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди

Педагогика, психология ва ўқитиш Агрономия факультети

методикаси кафедраси мудир, декани, доцентХ.Алланов

доцент.....С.Жўраева “.....”2014 й.

“.....”2014 й.

Тошкент – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3.
I Боб. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришнинг назарий асослари	10
1.1. Маънавий сифатларни шакллантириш тушунчаси, моҳияти ва вазифалари.....	10.
1.2. Маънавий мероснинг маънавий сифатлар ғоясини шакллантиришдаги ўрни.....	25
1.3. Ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришга доир илмий-назарий ва илмий-педагогик адабиётлар таҳлили.....	36
II Боб. Ўрта махсус таълим тизимидаги маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш	41
2.1. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш масалалари.....	41
2.2. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш йўллари ва мазмуни.....	51
2.3. Коллеж ўқувчиларида маънавий сифатларни шакллантиришда гуруҳ раҳбарининг фаолияти.....	64
III Боб. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришнинг шарт-шароитлари	71
3.1. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришга доир тажриба- синов ишларининг ташқил этилиши.....	71
3.2. Тажриба-синов ишларининг натижалари ва унинг самарадорлиги.....	76
Хулоса ва тавсиялар	83

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданок янги, ривожланган жамият қуриш йўлига кирди. Захматкаш халқимиз ўзининг фидоий меҳнати ва тинч ҳаёти билан дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаш мақсадида барча соҳаларда чуқур ислохотларни амалга ошира бошлади. Келажаги буюк давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча тарихий ўзгариш ва янгиланишлар юртдошларимиз қалби, онги ва шуурига улкан таъсир кўрсатмоқда. ХХІ асрга кадам қўйган Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – бу озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Албатта ушбу ғояни амалга оширишда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий йўналишлар билан бир қаторда баркамол авлодни вояга етказиш, уларда маънавий сифатларни шакллантириш муҳим ўрин тутди. Президентимизнинг “Юксак маънавият енгилмас куч”¹ номли китобларида ҳам маънавий бойлик инсонни умумбашарий ғояларга ҳурмати ва маънавий сифатлар ҳисларини тарбиялаш билан уйғунлиги таъкидланади. «Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари»² рисоласида таъкидланишича: маънавий сифатлар шахс маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Маънавий сифатлар шахснинг объектив воқеликдаги нарса ва ходисаларни, уларнинг муҳим хусусиятларига боғланиш ва муносабатларини бевосита умумлашган ҳолда акс эттиришдан иборат бўлган ақлий фаолиятдир. Маънавий сифатларни шакллантириш эса—бу мустақиллик ғояларига садоқат ва ҳурмат, Ватанга муҳаббат туйғусини қарор топтириш

¹Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008.- 176 б

²Каримов И.А. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. Т.: “Ижод дунёси”, 2002-126.

демакдир. Маънавий сифатларни шакллантириш шаклланган шахс жамиятда ўзини дадил ва эркин тутди, барча воқеа-ходисаларга холис баҳо беради, ўз фикри ва ғояларини ишонч билан баён эта олади ва ўз фикрини исботлайди, ўз юртининг ҳақиқий эгаси эканлиги билан фахрланади.

Маънавий сифатларни шакллантириш натижасида:–ҳар бир шахснинг ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлиш натижасида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳит янада яхшиланади. Жамиятда янгича фикрлайдиган ҳар томонлама баркамол шахс – баркамол инсонлар шаклланади; маънавий сифатларга эга бўлган кишиларнинг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёни ривожланади; мамлакатимизнинг салоҳиятидан кенг фойдаланиш имконияти пайдо бўлади; жамиятимизда мустақил фикрлайдиган шахс вояга етади; ҳукукий, демократик жамият қуришни тезлаштиради ва халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини мустахкамлашга имкон яратилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда маънавий сифатларни шакллантириш фуқаролик жамиятини қуришда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Қадриятларни тиклаш, уларни илм фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, миллий ўзликни англаш, миллий истиқлол ғояси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизга садоқатли бўлиш маънавий сифатларни шакллантиришдаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Хусусан бу йилни “Соғлом бола йили”³ номи билан аталиши мамлакатимизнинг узоқ ҳудудларида ҳам ёшлар тарбияси ва камолоти йўлида шарт-шароитлар яратиш, “турмуш тарзини яхшилаш” борасидаги режаларни амалга оширишни кўзда тутди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировад мақсадимиз» асарида XXI асрнинг дастлабки йилларида ва ундан кейин ҳам маънавий сифатларни шакллантиришда амалга ошириладиган вазифалар аниқ кўрсатилган. Бу вазифаларга «мустақил дунёқарашга эга,

³“2014 йил – Соғлом бола йили” Халқ сўзи 12 декабр, 2013 йил.

аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат»⁴, эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Миллий истиқлол ғояси; асосий тушунча ва тамойилларида «рисоласида» ҳам маънавий сифатларни шакллантиришда амалга ошириладиган вазифаларнинг йўналишлари илмий-назарий жихатдан ишлаб чиқилган. Маънавий сифатларни шакллантиришдаги эга бўлган баркамол авлодни вояга етказиш концепцияси чуқур ўрин эгаллаган. Дарҳақиқат, бугунги кунда маънавий-маърифий ишлар жараёнида маънавий сифатларни шакллантиришдаги эга бўлган баркамол авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади»⁵-деб таъкидланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, узлуксиз таълим тизимида, жумладан олий таълим фаолиятида маънавий сифатларни шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам маънавият, маърифат, ахлоқ, қадриятлар каби шахс камолотида муҳим ўрин тутадиган омиллар давлатимизнинг қатор ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Маънавий сифатларни урганиш ва уни устириш умуминсоний тарбия назарияси ва тажрибасида муҳим аҳамиятга эга. Чунки маънавий сифатлар шахсда билимлар, тушунчалар, образларни шакллантириш билан бирга эътикод, онгли интизом, тажриба фаолиятини ишлаб чиқади. Маънавий сифатларни шакллантириш дунёни тўғри акс эттириш билан бирга, баркамол, ташкилотчи ва

⁴Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000 – 25 б

⁵Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Олий таълим Меъёрий ҳужжатлари / Академик С.С. Фуломов таҳрири остида. - Т.: «Шарк», 2001. - Б. 52.

зукко кадрларни тайёрлашда муҳим урин тутати.

Шунинг учун ҳам ўқувчи-ёшларга маънавий сифатларни шакллантириш ҳақидаги билимлар бериш, уларда кўникма ва малака ҳосил қилиш муҳим саналади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Мустақиллик йилларда ушбу муаммога бағишланган бир канча илмий тадқиқот ишлари қилинди. Файласуф олимлардан Э.Юсупов, С.Шермухамедов, К.Назаров, Н.Жўраев, Х.Шайхова, Б.Алиев, Т.Махмудовлар инсон камолотининг маънавий асослари, миллий ва умуминсоний кадриятлар, ахлоқ, мустақиллик ва маънавият каби масалаларни илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиққанлар.

Педагогика назариясида ҳам ушбу муаммо бўйича бир мунча илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. М.Қуронов, М.Иномова, О.Мусурмонова, У.Маҳкамов, С.Нишонваларнинг докторлик диссертацияларида миллий тарбия, оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, юқори синф ўқувчилари ахлоқий маданиятини шакллантириш, Ўрта Осиё мутафаккирлари таълимотида комил инсон тарбияси масалалари илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган.

З.Қурбонниёзова, Ф.Норбоевалар эса умумтаълим мактабларида тарбиявий ишлар жараёнида миллий ўзликни англаш ҳамда ўқувчиларда миллий онгни шакллантиришга доир тадқиқот ишлари олиб бордилар. Лекин, шунини айтиш керакки, педагогика соҳасида яратилган илмий тадқиқот ишларидаасосан ўрта махсус ўқув юртларида маънавий-маърифий ишлар жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган муаммо тадқиқ этилмаган. Адабиётлар таҳлили ва тажрибаларни ўрганиш шунини кўрсатадики, олий ўқув юртларида маънавий-маърифий ишлар жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш муаммоси кўп қиррали, мураккаб жараён бўлиб, ушбу жараённи педагогик жиҳатдан таҳлил этиш, унинг мазмуни, шакл ва методларини аниқлаш, шу асосда коллеж ўқувчиларида маънавий сифатларни шакллантиришга доир илмий тадқиқот иши олиб борилмаган. Шунга кўра тадқиқот мавзусини

«Ўқувчи ёшларда маънавий сифатларни шакллантиришнинг самарали омиллари» деб номладик.

Битирув малакавий ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Малакавий иш Кенгсой агробизнес касб-хунар коллежи томонидан “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “2014 йил Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасидаги олиб борилаётган бир қатор илмий тадқиқот режалари ва белгиланган тадбирлар билан бевосита боғлиқ.

Битирув малакавий ишининг мақсади – ўрта махсус таълим тизимидаги маънавий-маърифий фаолият мазмуни, шакл ва методлари орқали ўқувчи ёшларда маънавий сифатларни шаклланишини ўрганиш.

Битирув малакавий ишининг объекти –Тошкент вилояти Кенгсой агробизнес касб-хунар коллежида маънавий-маърифий ишлар жараёни.

Битирув малакавий ишининг предмети - маънавий-маърифий фаолият жараёнида маънавий сифатларни шакллантириш мазмуни, шакл ва методлари.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришни педагогик муаммо сифатида илмий назарий асослаш, унинг моҳияти, асосий тушунчаларини таърифлаш;

- коллеждаги маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришга доир илмий-педагогик ҳолатни ўрганиш;

- маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш мазмуни, шакл ва методларини ишлаб чиқиш;

- маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришнинг самарадорлик даражасини аниқлаш;

- маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг методлари

- мавзуга доир фалсафий, педагогик, психологик адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш; суҳбат, сўровнома, кузатиш; математик-статистик таҳлил ва тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги:

- коллеждаги маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш муаммоси яхлит илмий-назарий жихатдан асосланди;

- «маънавий сифатларни шакллантириш» тушунчаси педагогик истеъмолга кири-тилиб, унинг мазмун-моҳияти илмий таҳлил этилди;

- маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришнинг самарали шакллари, методлари, воситалари белгиланди, самарадорлигини таъминловчи омиллар илмий талкин этилди;

- ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш мезонлари ва унинг шаклланганлик даражаси аниқланди;

- маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш тизими ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти:

- Маънавий сифатларни шакллантиришнинг моҳияти тавсифланиб, унинг асосий тамойиллари, шаклланиш шарт-шароитлари белгилаб берилди;

- Ўрта махсус таълим тизимидаги маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш педагогик нуқтаи назардан асосланди.

- ишнинг натижалари коллежда маънавий-маърифий ишларининг самарадорлигини оширишда, мураббийларнинг ишларини ташқил этишда амалий ёрдам беради. Тадқиқот ишидан маънавий-маърифий ишлар жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш бўйича уқув кўлланмалари тайёрлашда, коллежда маънавий-маърифий ишлар мазмунини илмий назарий ва амалий жихатдан ташқил этишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг методологик асослари – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг истиқлол ва маънавият ҳақидаги ғоялари, Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар рисоласи, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коллежлар иш фаолиятини такомиллаштириш, таълим-тарбия ҳақидаги қарорлари, Шарқ мутафаккирларининг маънавият, маърифат, ахлоқҳақидаги қарашлари, халқ педагогикасининг илгор ғоялари, ҳамдўстлик мамлакатлари ва республикамизда жамланган илгор тажрибалар, мавзуга доир педагогик, психологик, фалсафий манбалар.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши – БМИ кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

I Боб. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришнинг назарий асослари

I.1. Маънавий сифатларни шакллантириш тушунчаси, моҳияти ва вазифалари

Маънавий сифатларни шакллантиришда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришни тақозоқилади. Бугунги кунда маънавий сифатларни шакллантириш жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Баркамол инсон миллий истиқлол ғоясига садоқатли бўлиш, она-Ватанга чексиз меҳр муҳаббатни қарор топтириш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш каби энг олийжаноб ишларда фаол катнашади.

Маънавий сифатларни шакллантириш инсон ва жамият ривожланишининг негизи, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош омилидир. Маънавий сифатларни иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тизимининг шаклланиши, узгариши ёки инкирозга юз тутишига кучли таъсир курсатади. Фуқароларда маънавий сифатларни ривожланиб борса, жамият раванг топа боради. Маънавий сифатлар тафаккурисиз буюк давлат куриб бўлмайди. Чунки, маънавий сифатларни жамият ва миллат равангининг муҳим омили ва пойдеворидир. Демак, маънавий сифатлар нихоятда кенг тушунча бўлиб, ўзида маърифат, маданият, ахлоқ, санъат, адабиёт кабиларни мужассам этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг таъкидлашича «Биз учун мустақиллик – Аллохнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эғалик қилиш, халқимиз кудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт куриш, келажак авлодлар учун озод ва обод ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол – давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажакимизнинг пойдеворини куриш, миллий онгимиз ва фикримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир»⁶

Президентнинг ушбу фикрлари халқ хужалигининг барча соҳаларида мустақилликка тула эришиш, миллий ва маънавий қадриятларни тула тиклаш,

⁶Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1994.-283-284

айникса, ўқувчи-ёшларда маънавий сифатларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки маънавий сифатлар – баркамол инсонларни шакллантирувчи муҳим омилдир. Жамиятда кечаётган ислохотларда, узгаришларда инсоепарварлик тафаккури муҳим урин тутади.

Маънавий сифатларнинг инсон калбида қарор топиши учун ҳар бир фуқаромустақилликни ҳис этиши, калбан ва виждонан, ақл ва кул билан меҳнат қилиши керак. Маънавий сифатларни шакллантириш моҳияти ғоятдачуқур ва чексиздир. Маънавий сифатларни шакллантириш сиёсий, ҳукукий, фалсафий, эстетик, педагогик, иқтисодий, ахлоқий, маънавий тафаккурлар негизида камол топади.

Бу эса кишиларда маънавий сифатларни шакллантиришнинг манбаи ҳисобланади. Чунки маънавий сифатлар шаклланмаган кишилар орқали моддий фаровонликка ҳам, умумтараққиётга эришиб бўлмайди, маънавий кашшоклик миллий таназулга олиб боради.

Дастлаб маънавий сифатлариқтисодий узгаришлардан орқада қолган бўлса, вақт ута борган сари иқтисодий узгаришларга тенглаша боради. Кўпўтмай улар бир бутун қуч бўлиб ҳаракат қилади. Бу бежиз эмас, албатта. Жамият бир тузумдан бутунлай бошқасига утар экан, у янгича маънавий ва мафкуравий тарбияга, билим ва тафаккурга эҳтиёж сезади.

Маънавий сифатларни шакллантиришга эга бўлган инсон, аввало, ўз Ватанини севмоғи, аجدодлари яратган бебаҳо мерос илму-ҳунарни имкон қадар эгалламоғи ва у билан бирга, бутун инсониятга ҳос қадриятлардан бохабар бўлмоғи, уларни асраш ва бойитиш йўлида саъй-ҳаракат қилмоғи лозим. Дунёнинг бугунги тараққиётини эътиборга олиб, юртимиздаги ва жаҳондаги маънавий, ақлий билимларни туплаб, халқимиз, Ватанимиз тараққиётига мос ғояларни, амалга ошириш маънавий сифатларга эга бўлган ҳар бир фуқаронинг онгидан кенг урин олиши лозим.

Бугунги кунда жамиятнинг тақдирини ҳал этадиган фуқародан маънавий

сифатлар тафаккурига эга бўлиш талаб этилади. Чунки, мустақиллик тафаккурига эга бўлган кишилар жамиятга тўғри, одилона муносабатда бўла олади, меҳнат жамоаларида ишни самарали ташқил этади, меҳнат унумдорлигини оширишнинг илмий-амалий омилларини пухта эгаллайди.

Бу – биринчидан, инсонни ҳамма вақт ўз фаолиятини тўғри ва ижодий ташқил эта олиш қобилиятига эга бўлиш, камчиликларини ҳолисона тан олиб, жамият ва халқ учун хизмат қилишга тайёр туриш демакдир. Акс ҳолда, у жамият учун ута зарарли шахс бўлиб қолади. Маънавий тарбияда масаланинг ана шу жиҳатларига эътиборни қаратмоқ лозим.

Иккинчидан, маънавий сифатларни шакллантиришнинг самараси дарҳол намоён бўлавермайди. Масалан, мустақилликнинг маънавий аҳамиятини ўн-ўн беш йилдан кейин келадиган авлод бизга нисбатан яхшироқ, мукамалроқ англаши мумкин. У вақтда истиқлолнинг маънавий натижалари амалда тулалигича намоён бўлади. Маънавий юксак авлоднинг тафаккури ҳозиргига нисбатан баркамол бўлади.

Учинчидан, жамиятнинг, шахснинг маънавий сифатларни шакллантирмасдан, маданиятини юксалтирмасдан туриб, йирик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданиятга доир режаларни тулик амалга ошириш мумкин эмас. Бу борада одамларнинг маънавий, рухий тайёргарлиги катта аҳамиятга эга бўлади. Бундай ҳолларда маънавият ёки маънавиятсизлик уз натижасини курсатади, турли фармойишу даъватларнинг ҳам фойдаси бўлмай қолади.

Маънавий сифатларга фақат маданий, тарбиявий, ахлоқий, диний мажмуа сифатида қараш камлик қилади. Чунки, маънавий сифатларда улкан иқтисодий, молиявий, техникавий, ҳукукий мазмундаги тажриба ва билимлар ҳам ўз ифодасини топади. Маънавий сифатларнинг бундай куп киррали моҳиятини, имкониятларини коллеж ўқувчилари пухта билса ва уларга катъий амал қилса, комилликка эришади. Шунини унутмаслик керакки, олий маълумотли, хатто илмий унвонга эга бўлган баъзи кишиларда маънавият тулик шаклланмаган бўлиши

мумкин. Зеро, кишининг юрагида меҳр бўлмаса, илмнинг узи билангина тафаккури юксак бўлиб қолмайди.

Бугунги Ўзбекистонга кўпроқ маънавий баркамол, жисмонан соғлом, фидойи, маънавий сифатларга эга бўлган кадрлар зарур. Тафаккур заифлиги, сўқирлик - хурофот, жохиллик натижасидир. Жохил киши матонатли, адолатли, ватанга содик, фидойи инсон бўла олмайд. Инсон узида пайдо бўлган камчилик ва нуқсонларни ватанга, халқига астойдил хизмат қилиб тузатиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданок жамият маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилди. 1994 йил 23 апрелда мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа юз берди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази» ташкил этилди.

Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг иш фаолиятидан истиқлол тақдир, халқнинг маънавий камолоти, маънавий сифатларни шакллантириш кенг ўрин олди. Миллий маънавиятни раванг топтириш, халқ маърифатини юксалтириш ҳамда жаҳон халқлари тафаккури маҳсулидан халқимизни баҳраманд этиш, мамлакатимиздаги маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга кўмаклашиш - бу ташкилотнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Маънавий камолот, ақл-заковат тарбиясига оид янги фикр-мулоҳазалар, инсон камолоти ҳақидаги Шарқу Ғарб тажрибасининг ибратли йўллари ҳам марказ фаолиятидан ўрин олди.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази фаолиятида истиқлол мафқураси, маънавий сифатлар, маънавий камолотга оид ишлар зурлик ёки сиёсий таъсир воситасида эмас, балки маънавий камолот муаммоларини ҳал этиш, жамоатчилиқ фикрига таяниш, соғлом фикрларни умумлаштириш асосида олиб боришда. Чунки, Ватан ва халқ тақдирини бирлаштириш, жамиятнинг маънавий ва мафқуравий юксалишини, юқори босқичга кўтариш марказнинг асосий вазифасига бурчига айлангандир.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» номли китобларида миллий маънавиятни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарашлари, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, кишларни бой маънавий мерос ва тарихий анъаналар, умуминсоний қадриятларга садоқат, Ватанга мухаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш каби масалаларга эътиборни қаратди. Шу муносабат билан Республика ўрта махсус таълим тизимида таълим олаётган ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш, бой маданий-маънавий меросни урганиш, Шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат ва миллат келажагини белгилайдиган илгор ғояларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга тадбиқ қилиш, бўларнинг барчасини маънавий-маърифий ишлар жараёнида амалга ошириш шу куннинг долзарб муаммоси сифатида кун тартибига куйилди. Бинобарин, Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йилиданок маънавият ва маърифат масалаларини бевосита жамоатчилик йўли билан ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб қолди. Чунки ҳаётимизда руҳ бераётган ҳар бир узғариш маънавий сифатлар, маънавият билан боғлиқдир. Ҳақиқатдан ҳам бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тафаккури билан шаклландир.

Маънавиятнинг моҳияти-бу маънавий сифатларни шакллантириш, миллий ғурур ва ўзлигини англаш, уларнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшадиган хиссаларини ошириш демакдир.

Мустақил Ўзбекистон фуқаролари маънавий сифатларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш – бу фан, маданият, ақлий бойлик, жамият турли соҳалари мутахассисларини етиштириш, зиёлилар ва зиёлилиқни ривожлантириш демакдир.

Маънавий сифатларнинг моҳияти республикамизда яшаётган барча халқларнинг ўз интилишлари, тинч ва фаровон яшашларида уларни бирлаштирувчи, буюк умуминсоний қадриятлар-миллатлараро тинчлик ва

фуқаролар тотувлиги, ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқларининг устунлигига хизмат қила оладиган мафкурани шакллантиришда ҳамкорлик қилиш, илгор миллий анъаналар, урф-одатлар, барча халқларнинг маданиятларини ривожлантириш, улар уртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, узаро бир-бирларига таъсир доирасини кенгайтириш ва бир-бирларини бойитишларига имконият яратиб бериш, Ўзбекистон ва Марказий Осиё, МДХ давлатлари ва бутун жаҳон халқлари ва маданиятлари уртасидаги узаро алоқа, ҳамкорликдаги ҳаракат, бир-бирини бойита боришни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдир.

Маънавий сифатларни шакллантириш моҳиятини мустаҳкамлаш бу мамлакатнингнинг замонавий, маданий жихатдан раванг топган давлат, жамият сифатида ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш демакдир. Бу уринда шу давлатнинг фуқароси бўлган ҳар бир инсон назарда тутилади.

Дарҳақиқат, И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи-бу ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз қучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айти замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда қурадиган эркин, ҳар жихатдан баркамол инсонларни тарбиялаш демакдир»⁷.

Шундай экан, Мустақил Ўзбекистонда фуқароларнинг маънавий сифатларни шакллантиришнинг маънавий-маърифий негизларини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан:

- маънавий сифатларни эркин, соғлом рақобат асосида ривожланишига қўмаклашиш, миллий истиқлол ғоясига информацион тазйик ва таъсир ўтказишга йўлқўймаслик;
- маънавий сифатларни муҳофаза қилиш ва такомиллаштириш;
- маънавий сифатларни шакллантиришнинг тарихий ва назарий асосларини

⁷Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмошда. Т.: Ўзбекистон, 1999.-17 б.

яратиш ва мустахкамлаш;

- оммавий ахборот воситаларининг маънавий сифатларни шакллантириш ишларини тарғиб қилиш фаолиятини янада яхшилаш ва имкониятларини кенгайтириш;

-ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа барча муассасаларда маънавий сифатларга доир маърузалар уюштириш;

-жамоатчилик уртасида маънавий сифатларни шакллантиришга бағишланган мунозаралар ташқил этиш. Маънавий сифатларни шакллантириш ишларини бошқаришда демократик, илмийлик, жамоатчилик ва маъсуллик, ижронини текшириш, бошқаришнинг режали бўлиши, бошқаришда самарадорлик ва тежамкорлик каби тамойилларга асосланиш;

-демократик ошкоралик – ҳар қандай мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, мунозаралар йўли билан фикр алмашиш, ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган ҳулосаларга келиш, ҳар қандай зуравонликка, қуч ишлатишга қарши Шарқона демократик тамойилларга асосланиш;

- маънавий сифатларни иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий онг шакллари билан узаро боғлиқлигини таҳлил қилиш ва узига хос хусусиятларини илмий урганиш;

- ахлоқ, ҳуқ-оодоб меъёрлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар ўртасидаги зиддият, қарама-қаршиликларни аниқлаш билан бирга уларни бартараф этиш усуллари илмий ва амалий тадқиққилиш;

Иккинчидан, олий таълим жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- ўқувчиларга мустақилликнинг тарихий илдизлари, назарий ва амалий йўналишлари ҳақида тушунча бериш;

- миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини моҳиятини ўқувчилар онги ва қалбига сингдириш учун ташвиқот ишларини олиб бориш;

- миллий истиқлол мафқурасини мустахкамлашга, Ватанга, бошқа мамлакат

халқларига бўлган дустона муносабатни шакллантириш;

- миллат, Ватан, халқ истикболи деган мукаддас тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдириш;
- мустақилликнинг моқияти, унинг назарий ва амалий жихатларини ўқувчилар онгига сингдириш;
- маънавий сифатларни шакллантириш режаси ва дастурини ишлаб чиқиш;
- шу йуналиш бўйича методик кулланмалар тайёрлаш ва чоп этиш;
- ижтимоий институт ва жамоатчилик фаолиятида ўқувчиларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришга аҳамият бериш;
- соғлом авлод баркамоллигини таъминлашда оиланинг бурч ва масъулиятини ошириш;
- олий таълим мутахассислиги бўйича махсус билим бериш;
- коллеж ўқувчиларида маънавий сифатларни шакллантиришга доир тадбирлар, кечалар ўтказиб бориш;
- меҳнатга, узининг вазифалари ва бурчига масъулиятли бўлишни тарбиялаш;
- миллий байрамлар ва маънавий қадриятларга ҳурмат билан қараш;
- табиатга ва шахсий нарсаларга эҳтиёткорлик, узига ва одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- коллежда маънавий ва маърифий ишларни ривожлантириш ва такомиллаштириш.

Юкоридаги масалаларнинг ҳар томонлама амалга оширилиши инсон ҳаётининг ҳамма қирраларини ижтимоий тараққиёт жараёни билан уйғунлаштиришда катта аҳамият касб этади. Ўқувчи шахсида шакланган маънавий маърифат тараққиёти, жамиятнинг юксалишда энг муҳим омилдир.

Миллий қадриятлар, миллий ўзликни англаш, миллий ғоя, маънавий-ахлоқий тарбия, аجدодларимизнинг бебаҳо мероси маънавий сифатларни шакллантиришнинг асосини ташқил этади.

Маънавий сифатларни шакллантириш коллеж ўқувчиларининг кундалик

хаётида: укиш ва жамоат ишларида амалга оширилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг асослари: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон байроғи, герби, Ўзбекистон мадҳияси ўзбеклигимиз, ҳақ-ҳуқуқимиз, ҳуриятимиз, озодлигимиз, мустақиллигимиз рамзи эканлигини, уларнинг моҳиятини ҳар бир ўқувчи-ёшнинг онгига чуқур сингдириш кенг куламли ишлар олиб боришни тақозоқилади. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларда мустақиллигимизни тасдиқловчи қонунларимиз ва рамзларимизга нисбатан эътиқод, садоқат каби фазилатларни шакллантириши, уларни, миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаши лозим. Бугунги кунда халқимизнинг асрлар давомида вужудга келган узига хос маданияти, нодир қадриятлари, анъаналари, урф-одатларини, уларнинг мазмунидаги ахлоқ, одоб, инсоф, иймон, виждон, диёнат, адолат, маънавий сифатлар каби тушунчалар миллий истиқлол мафқураси туйғайли янада ривожланаётганлигини ҳар бир ўқувчи туйиб англаб етмоғи лозим.

Маънавий сифатларни шакллантириш - бу баркамол шахсни шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам баркамол авлод шахсида миллий онг, миллий гурур, уз-узини англаш туйғуси, уз Ватани ва халқи билан фахрланиш ҳислари, миллий кадр-қиммат масъулияти, ватанпарварлик ва халқпарварлик фазилатларини шакллантириш муҳимдир. Шу билан бирга маънавий-маърифий ишлар жараёнида миллий анъаналарни чуқур таҳлил қилиш, ўқувчиларни халқимизнинг маънавий меросини урганишга бўлган қизиқишини оширади. Бу эса ўқувчиларда мустақил Ўзбекистонинг истиқлолини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жамиятда барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқароларaro тотувликни таъминлаш туйғуларини таркиб топтиради, уларнинг ижтимоий фаолиятини бойитади.

Албатта, бу вазифаларни амалга оширишда коллежда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва уни бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш маънавий-маърифий ишлар жараёнида амалга оширилади. Иккинчидан, олий ўқув юртида маънавий-маърифий ишларни

юкори даражада ташқил этиш жамият тараққиёти, мамлакатнинг барқарор ривожланишининг муҳим шарти ва кафолатидир. Усиб келаётган ёш авлод онгида маънавий-ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб жамиятда юксак тарракиётга эришиб бўлмайди.

Демак, маънавий-маърифий ишлар жараёнида куйидаги ишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади:

- Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини ўқувчилар онгига сингдириш, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг истиқлол ва маънавият ҳақидаги асарларини ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб этиш;
- коллежда таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, ўқувчилар билан олиб бориладиган тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш;
- коллеж жамоаларида барқарор маънавий-ахлоқий муҳитни яратиш, уқитувчилар билан ўқувчилар ҳамкорлигига эришиш;
- маънавий-маърифий ишларни яхшилашга қаратилган тадбирлар тайёрлаш ва уларни ўтказишда ўқувчиларнинг имкониятларини, қизиқишлари ва жамоат ишидаги малакаларини ҳисобга олиш;
- маънавий-маърифий ишлар жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришда ўқувчиларнинг ақлий, ҳиссий ва иродавий томонларига таъсир этиш;
- онгли интизомни ривожлантириш, фан ва маданиятга бўлган қизиқишни тарбиялаш, китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида бадиий асарлар руйхатини тавсия этиш;
- ўқувчилар учун устоз ва шогирд коидаларини жорий қилиш, ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали, унумли меҳнатини ташқил этиш;
- санитария-гигиена ишларини йўлга қуйиш, гуруҳларда ўқувчилар кун тартибини белгилаш;
- ўқувчиларнинг мустақил таълим олиши, уз устида ишлаши, маънавий ақлий

даражаси, умумий савияси, қизиқишларини ривожлантириш;

- миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар орасида кенг тарғиб қилиш, унда оммавий, маданий-маърифий ишларнинг шакл ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- баркамол шахсни шакллантиришда олий таълим, оила ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлигига эришиш ва бошқалар.

Лекин маънавий сифатларни шакллантиришда бу муҳим ишлар маънавий меросдан унумли фойдалангандагина муваффақиятли амалга ошади, шунга қараб биз навбатдаги бандани ана шу муҳим масала ҳақида фикр юритамиз.

1.2. Маънавий мероснинг маънавий сифатлар ғоясини шакллантиришдаги ўрни

Ўқувчи-ёшларимизда маънавий сифатларни шакллантириш фаол шаклланаётганлиги, ёш авлоднинг умуминсоний қадриятлар руҳида, энг яхши анъаналари асосида тарбия топиб борилаётганлиги ҳамда бобокалонларимизнинг жаҳон маданияти ва илм-фанига қўшган ҳиссалари ҳақидаги тасаввурлари кенгаётганлиги ғоятда муҳимдир.

Президент И.А.Каримовнинг тарихчи олимлар, ўқувчилар, маданият арбоблари билан бўлган тарихий мулоқотида ўзбек халқининг бой маънавий ва ақлий бойликлари, умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғоялари негизида шахсда юксак маънавий-ахлоқий қарашларни шакллантириш, Ватанимизнинг буюк келажагига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, мустақиллик ғояларини қарор топтиришга алоҳида урғу берилганлиги бежиз эмас.

Шундай экан, ўқувчи-ёшларнинг маънавий сифатларни шакллантиришда утмиш меросни, улуг мутафаккирларнинг илгор фикрларини урганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, уларнинг илм-маърифат, таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрлари, ахлоқий қарашлари бугунги тараққиёт учун ҳам, ёш авлод камолоти учун ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Уларнинг ҳаёт маъноси, жамиятда инсоннинг

тутган урни, ахлоқи ҳақидаги фикрлари ҳар бир ўқувчининг тафаккурининг шаклланишида муҳим уринни эгаллайди. Шу жихатдан олганда Урта Осиё мутафаккирларининг ёш авлод тафаккурини шакллантиришга бағишланган асарларини ҳамда уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини урганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Урта Осиё мутафаккирларининг ахлоқ-одоб, тафаккур ҳақидаги фикрлари шундай кучга эгаки, улар ўқувчилар калбида инсонийликни ривожлантиришда, уларни катта ҳаёт йўлига олиб чиқишда муҳим урин тутди. Ёшларда халқига ва кариндош-уруғларига кулидан келган барча яхшиликларни қилиш, уларнинг хурматини жойига қуйиш каби инсоний фазилатларни шакллантиради. Бу эса имонли, эътиқодли, гурурли, одобли шахсни вояга етказишни тақозо этади. Шу боис Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг маданий меросларидан мустақил Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлаш, ўқувчи-ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантиришда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонинг коллежда халқимизнинг маънавий бойлиги ҳисобланган машҳур аллома ва мутафаккирларнинг таълимотларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, уларнинг инсоннинг яхши хулки, одоби, у билан боғлиқ фазилатлари таълимий-ахлоқий асарларида улуғланган. Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё мутафаккирлари ўз асарларида маънавиятга доир ғояларни доимо тараннум этиб, инсонни орифлик, фозиллик даражасига кўтарилишга ундаганлар. Бу борада Абу Наср Форобийнинг таълимоти диққатга сазовордир. Форобийнинг илмий меросини ўрганиш ўқитувчиларнинг маънавият, ахлоқ, таълим-тарбия соҳасида олиб борадиган ишларига кенг имкониятлар яратади.

Форобий фозил инсон ҳақида гапирар экан, унинг маънавий хислатларини қуйидагича таърифлайди:

1.Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукаммал тараққий этган

- бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга ошира олсин.
- 2.Барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тездан ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади, айтилган фикрнинг тўғрилигини тезда пайкай оладиган бўлсин.
 - 3.Хотираси жуда бақувват бўлсин, курган-эшитган, сезган нарсаларининг биронтасини ҳам хотирасидан чиқармай, ёдида саклаб қоладиган бўлсин.
 - 4.Зехни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан бу аломат нимани билдиришлигини тезда билиб олсин.
 - 5.Сузлари аниқбўлсин, фикрларини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раво ва равшан баён эта олсин.
 - 6.Билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин;
 - 7.Овқатланишда, ичимлик истеъмол қилишда очкўз бўлмасин, табиати кимор уйинларини уйнашдан узок бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин;
 - 8.Хақиқатни ва хақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлгон ва ёлгончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;
 - 9.Рухининг ғурури ва виждонини кадрлайдиган бўлсин, унинг рухи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин;
 - 10.Дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин;
 - 11.Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, уз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларни барчага такдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсиз оқибатларни йўқотадиган, уларга йўлқўймайдиган бўлсин;
 - 12.Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик

олдида лафзли бўлсин, узи зарур деб зарур билган нарсасини амалга оширишда каътийлик курсатсин, куркмас, жасур бўлсин, куркиш ва ожизликни билмасин;⁸.

Форобийнинг таъкидлашича, инсон меҳнатсиз яшай олмайди, шу билан бирга у доимо одамлар билан мулоқотда бўлиши, хунар эгаллаши лозим. Шундагина унинг интилиши, истаги, эҳтиёжлари амалга ошади.

Форобий инсоннинг манавиятли бўлишида, унинг ақл-заковатини ва бунёдкорлик кучини юксак баҳолайди. Унинг фикрича, ақл-идрок,

меҳнат инсонни ижтимоий жихатдан фаоллаштиради. Форобий таълимотида инсоннинг бахтиҳақидаги таълимот асосий уринни эгаллайди.

Абу Наср Форобий: «Инсоний вужуддан мақсад – энг олий бахт-саодатга эришувдир; аввало у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни узига ғоя ва энг олий мақсадқилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин бу бахт-саодатга олиб борадиган иш – амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса саодатга эришадиган ишларни бажаришга киришмоғи лозим бўлади» - деб таъкидлаган.

Улуг мутафаккирларнинг таълимий-ахлоқий қарашлариҳақида тушунча ва маълумотга эга бўлиш ҳар бир ўқувчининг Дунёқараши, онги, фикри, хис-туйғу, ирода, фаолиятига ва маънавиятига таъсир этади.

Берунийнинг инсон ҳақидаги ғояларини урганиш, бахт-саодат йўлида олиб борган ишларини ўқувчиларга тушунтириш, унинг хикматларини ёд олдириш маънавий сифатларни шакллантиришнинг асосий омилидир.

Беруний ёшларнинг илмли, маънавиятли ва маърифатли бўлишига алоҳида аҳамият берган. У илм даргоҳига кирган кишининг калби пок бўлишини, ёмон иллатлардан сакланишни таъкидлайди.

Беруний одамийлик ва мардликҳақида фикр юритиб, мард киши ҳақиқат учун

⁸Хўжамуратов Н., Саъдуллаев Н. Маънавият – инсоний гўзалликдир. Т.: Меҳнат, 1998.- 186-187

курашади, ҳеч қандай таъкиб ва ҳавф-хатарга қарамай, ёлгонга қарши курашиши лозимлигини уқтиради. Абу Райхон Беруний одамгарчилик масаласини қуйидагича таърифлайди: «Одамгарчилик, яъни мурувват кишининг уз уруг-аймоги ва уз ахволига таъсир этиш билан чегараланади. Мардлик – футувват эса ундан ҳам устун туриб ўзидан ташқарига ҳам ўтади. Мурувватли мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсдан бошқасига эғалик қилмайди.

Агар у одамларнинг осойишталиги деб машаққатга чидам берса, зикналик қилмасдан, бошқаларга берилмай, унга ато қилинган нарсаларни бировларга берса, бундай одам ўшандай қудрат билан шуҳрат топган мард киши саналади: у ўзининг ҳалимлиги, мулойимлиги, иродаси мустаҳкамлиги, чидамлилиги, камтаринлиги туфайли улуғворлиги билан танилиб, гарчи у шумартаба ахлидан бўлмаса ҳам, олий даражага кўтарилади. У насл-насаб жихатдан эмас. Балки ҳақли равишда ўша сифатлари билан эҳтиром қилинади»⁹..

Шарқнинг буюк алломаси Абу Райхон Беруний халқни илм олишга чақирган. Жумладан, Беруний илмнинг хосиятини шундай таърифлаган:

«Илмлар кўпдир, улар замон иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга кўшилиб борса кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм ахллари хурматлаш ўша иқболнинг белгисидир».

Беруний саховатлиликни ҳам ахлоқийликнинг муҳим мезони деб белгилайди. Унинг фикрича, одам ҳамма вақт бошқаларнинг бахт-саодати ҳақида ўйлаши лозим. Мурувват инсоннинг чинакам ахлоқий хислатларидан бири бўлиб, Берунийнинг фикрича бундай одамлар хайрихоҳ бўлади, бойлик орттиришга интилмайди, дехқончилик, савдо-сотик, хунармандчилик каби ишлар билан шуғулланиб, ҳалол меҳнати билан яшайди. Мурувватли киши мард бўлиб, мол – мулкидан бошқа ҳеч нарсага эга бўлмайди. Беруний саховат ва раҳмдиллик, қатъият, сабр-тоқат ва камтарликни юксак инсоний хислатлар деб билар эди. Шу

⁹Беруний, Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар I т. - Т.:Фан, 1996. –70

сабабли Абу Райхон Берунийнинг таълимотида инсон асосий ўринни эгаллайди. Инсоннинг доимо комиллик даражасига эришишлиги ҳақида фикр юритади ва аксинча Беруний зикналик, ёлғончилик, мунофиқлик, хушомадгўйликни, айниқса кишиларнинг ўз билимларига, қобилиятлари ва ахлоқий хислатларига мувофиқ бўлмаган юксак мавқеини эгаллашга интилишларини қаттиқ қоралайди.

Ўқувчиларга Абу Райхон Берунийнинг маънавий-ахлоқий қарашларини, ҳаёти ва фаолиятини қизиқарли ва мазмунли равишда тушунтириш, маънавий сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Зеро, буюк алломаларнинг ахлоқий қарашлари ёш авлодга қанчалик чуқур тушунтирилса, улар мазкур алломалар ҳаёти, улар яшаган давр ва нихоят таълимий-ахлоқий қарашлари билан шунчалик яқин таниш бўладилар.

Абу Али ибн Сино буюк қомусий олим сифатида тиббиёт, риёзиёт, фалсафа, физика, кимё, биология, доришунослик, рухшунослик, физиология, фалсафа, ахлоқ, эстетика ва бадан тарбия каби кўплаб фанларнинг етук билимдони бўлган. Унинг ақл-заковати, яратган асарлари Ўрта Осиёдагина эмас, балки Шарқ ва Ғрбий Оврўпа мамлакатларида ҳам эътибор билан ўрганилади. У ҳар томонлама комиллик даражасига етган улуг инсон бўлган. Абу Али ибн Абдуллох Сино йигирма тўрт ёшида ақлий ва риёзий илмларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиб, Бухорода олимлар билан тортишиб, уларни мот қилган. Бундай муваффақиятга эришиш Ибн Синонинг камолотга эришганлигидан далолатдир.

Ибн Сино инсоннинг умумий фазилати, кишиларда юз берадиган яхши ва ёмон хулқларнинг пайдо бўлиш сабабларини «Ахлоқ ҳақида рисола» асарида кўрсатиб ўтади. Олим бу асарда яхши ва ёмон хулқлар одамларнинг одатидан, пайдо бўлишини таъкидлайди.

Ибн Сино қатор рисолаларида адолатлилик, саҳийлик, шижоат, сабр-қаноат, мулойимлик, иффат, сирни сақлай билиш, илм-маърифатли бўлиш, самимийлик, фаросатлилик, дўстлик, вафодорлик, камтарлик каби хислатларга таъриф беради. Айниқса, нафсни покиза тутиши зарурлиги ва баъзи дунёвий лаззатлардан ўзини

тия билиш, ичишнинг зарари хақида «Нафсни покиза тутиш тўғрисида», «Қонун», «Сиёсат ал-бадан» рисоаларида фикр юритади.

Абу Али ибн Синонинг таълимий-ахлоқий қарашлари унинг шох асарлари бўлимиш «Тиб қонунлари», «Аш-шифо» ва бошқа асарларда ўз ифодасини топган.

Ибн Сино инсонларда бор бўлган адолат, покизалик, билимдонлик, иродалилиқ, эзгу ният, химмат, саховат, шижоат сингари ижобий хислатлар билан барга алдамчилик, қўрқоқлик, иккиюзламачилик, хасислик, ўғрилиқ, иғвогарлик, ялқовлик, фиску-фасод каби салбий иллатлар хақида ҳам фикр юритиб, уларнинг хар бири хақида ўз фикрларини баён этади. Жумладан, жасурлик-бирор ишни бажаришда кишининг жасурлиги; чидамлилиқ-инсон бошига тушган ёмонликни тўхтатиб турувчи қувват. Ақллилик бирор ишни бажаришда шошма-шошарлик қилишдан сақловчи қувват. Зийраклик - сезги берган нарсаларнинг хақиқий маъносини тезлик билан тушунишга ёрдам берувчи қувват, деб таъриф беради.

Ибн Сино ўз қарашларида инсонлар ўртасида дўстлик ва биродарликка алоҳида аҳамият бериб, одамларни бир-бирлари билан дўст-иноқ бўлиб яшашга, пасткашликка олиб келадиган адоватни йўқотишга чақиради.

Хаётда инсоннинг бир-бирига меҳрибон бўлиши, қўлидан келадиган ёрдамни аямаслик, дўстидаги нуқсон ва камчиликларни йўқотишга ҳаракат қилиш кабилар Ибн Сино рисоаларида кенг ўрин олган.

Ўқувчилар билан дўстликни мустаҳкамлаш хақида суҳбатлар ўтказиш, очик муомала ва муносабатда бўлиш, бир-бирини тўғри тушуниш кўникмаларини шакллантириш лозим. Бунинг учун ўқитувчилар дўстликни, яхшилиқни ва умуман, маънавий сифатларни тарғиб этган Ибн Синонинг қарашлари катта аҳамият касб этишини ўқувчиларга атрофлича тушунтириш керак.

Ибн Синонинг таълим-тарбия хақидаги фикрлари бугунги кунда ҳам фарзандларимизни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан бири Юсуф Хос Хожибнинг асарларида ахлоқ, маданият, тафаккур кенг ўрин эгаллаган. Аллома ақл ва адолат, бахт-саодат,

фаровонлик хақида фикр юритганда, дўстлик, халоллик, ростгўйлик, камтарлик, одиллик каби инсоний хислатларнинг шахс камолотида муҳим ўрин эгаллашини уқтиради.

Мутафаккир «Қутадғу билиг» достонида ҳоким билан халқ ўртасида ўзаро муносабатлар масаласига эътибор беради. «Агар беклар табиатан эзгу бўлсалар, барча фуқороси бойийди, олам гулистон бўлади»¹⁰, деб улар ўртасида эзгулик бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолиятининг бирламчи асоси ахлоқий камолот деб билади. У ахлоқи ва одоби тўғри бўлган кишигина ўз мақсадига етишиши мумкинлигини таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб илмни жамиятни тараққиёт ва гуллаб-яшнашига олиб келувчи куч деб билади ва уни эгаллашга даъват этади. У ҳаётни фақатгина илм-фан ва маърифат билан соғломлаштириш мумкинлигини таъкидлайди. Юсуф Хос Ҳожиб билимни зулмат ичидаги нурафшон машъалага ўхшатади. Шунинг учун ҳам мутафаккир инсонларни билим олишга даъват қилади. Ҳамма яхшиликларнинг билимдан пайдо бўлишини, билим ёрдамида инсоннинг мартабаси ошиши, номининг машхур бўлишини таъкидлайди.

Мутафаккир кишининг асосий фазилатларидан бири–ўз нутқига алоҳида эътибор беришидир. Инсон нутқи шахснинг билимдонлик ва камолот даражасини белгилаб беради, инсонни улуғлайди. Шунинг учун ҳамхар бир сўз мазмунли, қисқа, равшан бўлиши, ўйлаб айтилиши керак, акс ҳолда зарар келтириши мумкинлигини таъкидлаб ёзади: «Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин, тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин».

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида ифода этилган тарбия ҳақидаги фикрларни ўқувчиларга тушунтириш уларни ҳаётга тайёрлашда, тафаккурини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

¹⁰Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим) /Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи ва сўзбоши муаллифи Б.Тўхлиев.-Т.: Юлдузча, 1990.- 92 б.

Юсуф Хос Хожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида одамларнинг бир-бирларига меҳр-муҳаббатли бўлишига алоҳида аҳамият беради. Инсон зотини ҳурмат қилиш, бахт-саодат йўлида доимо курашиш, аجدодларимизнинг ўтмишда жаҳон фани ва маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссаларини ўрганиш, мутафаккирларнинг доимо одамларнинг бахти ва иқболи ҳақида ўйлаганини ўқувчиларга тушунтириш уларнинг онги ва фикрини шакллантиришда муҳимдир.

Ўзбек халқининг буюк мутафаккирларидан бири Алишер Навоий бутун ҳаёти давомида ва асарларида тафаккурнинг негизи бўлган ахлоқий тарбияга катта аҳамият берди. Буюк мутафаккир инсон ҳуқуқларини, унинг ор-номуси ва кадр-қимматини улуғлайди. Навоий дунёда инсон камолотидан улкан нарса йўқ, чунки унга табиат ва жамият сир-асрорларини ва юксак чўққиларини билиш қобилияти, ақл-заковат куч ҳада этилган, деб ўйлайди ва халқнинг осойишта ҳамда бунёдкор ҳаётини бузувчи ёмонликка, халқнинг ҳўрланишига ва ижтимоий офатларга олиб келувчи воқеа-ҳодисаларга қарши чиқади. Навоий ўзи яшаган даврнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурган ахлоқий концепцияси ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва бошқа жуда кўп илғор ғояларни ўз ичига олади.

Инсон камолотининг мезонларидан ҳисобланган адолат тушунчаси ва адолат туйғуси Навоий донишмандлигининг асосини ташқил этади. Барчага баробар манфаатли адолат устувор бўлганида мамлакат ва унинг фуқаролари фаровонликка эришиши Навоий таълимотининг асосини ташқил этади.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё алломаларининг таълимий-ахлоқий қарашларида маънавият, ахлоқ, тафаккур масалалари мазмунан бой, шаклан ғоят ранг-барангдир. Туркистон халқи тарихида ахлоқий таълим доимо ривожланиб, такомиллашиб борган. XVI-XX асрлар давомида унга салмоқли ҳисса қўшган Турди ва Машраб, Гулҳаний ва Мунис Хоразмий, Муқимий ва Фурқат, Аҳмад Дониш, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий, Аваз Ўтар Ўғли ва бошқа қатор алломалар

хақида ҳам кўп мулохазалар баён қилиш мумкин. Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрларини ўрганишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда ахлоқ-одоб таълимидан ташқари халқимизнинг қадимий урф-одатлари ва удумлари, анъаналари ҳам ўз аксини топган. Ўрта Осиё мутафаккирлари асарларида акс этган миллий урф-одатлар, анъаналар ва инсоний қадриятлар, асар қахрамонларининг мардлик, тўғрилиқ, адолатпарварлик, вафодорлик, халоллик каби хислатларга эга бўлганлиги бугунги кунда камол топаётган ёш авлод маънавиятини шаклланишда муҳим ўрин эгаллайди.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ мутафаккирларининг фозил инсон, комил инсон ҳақидаги фикрлари, ахлоқ-одоб ҳақидаги ғоялари бугун ҳам жамият маънавиятини юксалтиришда қимматли дастурдир. Модомики шундай экан, улардан таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳамда ўқувчи-ёшларда маънавий сифатларни шакллантиришда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

1.3. Ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришга доир илмий-назарий, илмий-педагогикадабиётлар таҳлили.

Бугунги кунда ёш авлодда маънавий сифатларни ривожлантириш янгиланаётган жамият қуришда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. Чунки бу соҳадаги ишларимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳам мустақил, эркин фикрлайдиган, дунёқараши кенг, маънавий юксак шахсни шакллантиришдан иборатдир. Бундай шахс эса ўзлигини англаб етган, ўз фаолиятини тўғри, онгли ташқил эта оладиган, жамият ва ўз манфаатини уйғунлаштира оладиган ва бунинг учун кураша оладиган инсон бўлиши талаб этилади.

Бу талаблар дастлаб улкан маънавий меросни ўрганиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш, мустақиллик ғояларини қарор топтиришни тақозо этади. Чунки ўзбек халқи бой маънавий меросга эга бўлиб, улардан

мустақиллик тафаккурини шакллантиришда мақсадга мувофиқ фойдаланиш Ўзбекистонни кучли давлатдан ривожланган жамиятга айлантириш маънавий-ахлоқий негизларидан бири саналади.

Лекин ўқувчи-ёшларда маънавий сифатлар ўз-ўзидан шаклланмайди. Инсон тафаккури унинг хулқ-одоб, маданиятидан ташкил топар экан, унга аввало илмий, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билимларни сингдириш, онги ва дунёқарашини шакллантириш зарур. Бу борада илмий-назарий, педагогик ва методикада қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларда баркамол шахс тарбиясининг у ёки бу жихатлари ўз ифодасини топган. Аммо инсонда маънавий сифатларни шакллантиришга доир хали бирорта ҳам яхлит тадқиқот иши яратилмаган. Мазкур жараён маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш билан қулай кечади. Мустақилликни мустахкамлаш учун ҳар бир фуқарода маънавий сифатларни шакллантириш лозим бўлади. Маънавий сифатларни шакллантиришга эса маънавий-маърифий онгни ўстириш орқали шаклланади.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида турли соҳаларда бир қанча илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Сиёсатшунос олим Н.Жўраев «Истиқлол – эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳиятидир, деб таъкидлар экан, мустақилликни табиатан онгли муносабатни қарор топтириш мезони сифатида таърифлайди. Лекин собиқ иттифоқ даврида эса «ақл билан иш тутиш, воқеликни идрок қилиш, бунёд этиш, яратиш туйғулари бутунлай сўндирилган бўлиб, инсон мустақил, эркин фикр юритишдан маҳрум эди.

Хақиқатан ҳам «биз тарихнинг айни бурилиш даврида яшамоқдамиз. Ана шу бурилиш нуқтасининг ўзиёқ тафаккуримизни, тор дунёқарашимизни, ҳар томонлама чегаралаб қўйилган тушунчаларимизни ўзгартиришимизни тақазо этмоқда. Узоқ йиллар давом этган бир қолипдаги ҳаётдан сўнг беихтиёр узоқ ўтмишни эслашга, уни ўрганишга, ўзлигимизни англашга кучли эҳтиёж туғилди.

Ички бир табиий куч миллион-миллион кишилар қалбида мудраб ётган туйғуларни ҳаракатга келтириб юборди. Натижада, одамларнинг ҳаётга муносабати ўзгариб, ўз тақдири билан боғлиқ бўлган замин истиқболини ўйлашга зарурат сезмоқда»¹¹.

Ана шу ўзгариш дунёни янгича қараш, янгича тафаккур билан идрок қилишга йўллайди, бу жараён эса мустақилликнинг асл моҳиятини англаш билан амалга оширилиши истиқлол йилларидаги ўзгаришлар мисолида ёритилади.

Педагог олим С.Очилов «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари» номли монографиясида ёш авлодни мустақиллик руҳида тарбиялаш ҳақида фикр юритар экан, «мустақиллик инсонни шахс сифатида маънавий-ахлоқий камолотини таъминлашга ёрдам бериши, кабиларни атрофлича қиёсий йўсинда таҳлил қилиш орқали ёш авлод онгига И.А.Каримов асарлари мисолида етказишни тавсия этади». Бу борада, ёш авлод онгига биринчи навбатда, мустақилликнинг асл моҳиятини тушунтириш, яъни давлатимизнинг демократия ва адолат қонунлари асосида шаклланаётгани, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлаётгани, мустақил иқтисодий сиёсат ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашнинг асоси эканлиги, бу эса ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий жихатдан мустақил Ўзбекистон давлатининг равнақи ва тараққиётида муҳим ўринни эгаллаши, Ўзбекистонда мустақилликнинг барқарорлигини таъминлаш ёшлар тафаккурини шакллантиришнинг долзарб муаммоси сифатида илгари сурилади ва унинг ечими ўз ифодасини топади.

Лекин тадқиқотчиларнинг фикрига кўра (Ж.Туленов, Б.Қодиров, З.Ғофуров) агар халқимизда мустақиллик ҳақида билим ва тасаввур бўлса-ю, аммо бу ғоя эътиқодга, дунёқарашга айланмаган бўлса, унда мустақиллик барқарор бўлмайди.

Президент И.А.Каримов айтганидек, тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Шунга кўра, қатор педагог олимлар (Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, М.Қуронов, Р.Ахлиддинов)

¹¹Жўраев Н. Тарих фалсафаси: Тушунча, моҳият ва сиёсат. Т.: Маънавият, 1999.-36-41

хозирги даврнинг энг асосий вазифаси – умуммиллий мақсад сари интилиш, янги ижтимоий шарт-шароитлари, тадбирлари, механизмларини ишлаб чиқишдан иборат, деб кўрсатадилар ва бу борада миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг ташқилий-услубий жihatларини тавсия этадилар. Бўларнинг асосида эса таълимни эркинлаштириш, ижтимоийлаштириш ва инсонпарварлаштириш ётади. Айнан ана шу тамойиллар маънавий сифатларни шакллантиришга замин хозирлайди.

Қ.Йўлдошев ўз тадқиқотларида янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-амалий асослари ҳақида фикр юритар экан, баркамол шахс тарбиясида педагогик ҳамкорликнинг асл моҳияти, ҳар бир ўқувчининг ўз-ўзини таниши ва ўз-ўзини англаши, унинг қизиқишини аниқлаш ва қобилиятини ривожлантириш орқали онгида ўзгариш ясаш ва тафаккурини янгилаш илмий-назарий ва ҳаётий мисоллар орқали ёритиб берилади. Ушбу жараёнда, албатта ўқувчи шахси шакллана боради.

Шуниндек С.Шермухаммедов, У. Махкамов, Н.Ортиқов, С.Нишоноваларнинг илмий-тадқиқотлари ҳам ёш авлодни ахлоқий тарбиялаш йўллари, комил инсон тарбияси тарихига бағишланган.

Мустақиллик шароитида ҳар бир кишидан билим, салоҳият, самарали меҳнат, юқори малака, юксак онглилик, ижодкорлик, жамият олдида масъулиятни ҳис этиш талаб қилинар экан, инсонпарвар, демократик, мустақил давлатни қурувчи ҳар бир инсон ана шу хислатларга эга бўлган тақдирдагина жамиятни ривожлантириш қобилиятига эга бўлади. Ҳозирги даврда инсон ижодкор, эркин шахс сифатида баҳоланмоқда. Шу боис ҳозирги янгиланиш жараёни кечаётган мустақил давлатимизни мустаҳкамлаш учун ислохотлар амалга оширилаётган даврда маънавий-ахлоқий тарбияда ёш авлод тафаккурини ҳам янгилаш миллий мафкура ва истиқлол ғоясининг асосий талабларидан саналади.

Кейинги йилларда худди ана шу муаммога бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Бўлар сирасига Ш.Олимовнинг академик лицей ва касб-хунар

коллежлари ўқувчиларида ахлоқий-эстетик идеални шакллантириш, З.Қурбонниёзованинг тарбиявий ишлар жараёнида миллий ўзликни англашни шакллантириш, Ф.Норбоеванинг умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида миллий онгни шакллантириш, Г.Махмутованинг миллий истиқлол ғоялари асосида ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантириш, З.Қосимованинг ўқувчи-ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга доир тадқиқотлар киради.

Илмий-назарий, педагогик ва методик адабиётларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижасида шуни айтиш мумкинки, маънавий-маърифий фаолият жараёнида олий ўқув юрти ўқувчиларида маънавий сифатларни шакллантириш муаммосига бағишланган махсус илмий тадқиқот иши амалга оширилмаган.

Маълумки, инсоннинг ҳаёти ва фаолияти фақат еб-ичишдан иборат бўлиб қолмасдан, балки унинг дунёқараши, онги ва тафаккури билан ҳам баҳоланади.

Демак, ўқувчиларда маънавий-маърифий ишлар жараёнида мустақиллик тафаккурини шакллантириш улар онгида мустақиллик ғояларини таркиб топтириш ва аynи пайтда мамлакатимизда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, бойитишга бўлган интилишни ривожлантиришдир.

Зеро, мустақилликнинг истиқболини белгилаб берадиган куч бу энг аввало халқнинг маънавий тикланиши, янги тафаккурга эга бўлиши, миллий онгнинг ўсишидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатда кўп элатли бирлик вужудга келганлиги, халқимизнинг онгидан умуминсоний қадриятларининг тикланиши ва миллий ўзликни англаб етиши тўғрисидаги фикрлар мустаҳкам ўрин олгандагина кутилган натижаларга эга бўлиш мумкин.

II Боб. Ўрта махсус таълим тизимидаги маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш

2.1. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш масалалари

Мустақил Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантиришда янги давр бошланди. Мамлакатда демократик жамият қуришга киришилди.

Бу эса ўз навбатида ёшларга ўз халқи тарихини ўрганиш, уни ақлий ҳамда ахлоқий жihatдан чуқур идрок эта олиш имконини берди.

Мустақил Ўзбекистонимизда қўлга киритилган истиқлолни мустахкамлашда ва ривожлантиришда ўқувчи-ёшлар янгиланаётган тафаккурини шакллантириш бугунги куннинг муҳим муаммосига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши—бу халқнинг мустақиллик тафаккурини мустахкамлаш ва ривожлантиришдир. Давлат сиёсатининг ана шу устувор йўналиши «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ҳам, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида»да ҳам тўлиқ ўз ифодасини топган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да асосий вазифаларидан бири: «таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифат ишларининг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» деб белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган коллежларнинг педагогик жамоаси томонидан маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Коллежларда

маънавий-маърифий масалалар бўйича директор муовини ва уларнинг мазкур ишлар билан шуғулланувчи бўлимлари жорий этилди, низомлари ишлаб чиқилди. Таълим масканларида маънавий-маърифий масалалар бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда унинг ишларига раҳбарлик қилиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Маънавият ва маърифат» маркази тузилди. 50 соатга мўлжалланган «Маънавият ва маърифат асослари» курси жорий этилди, унинг ўқув дастури ишлаб чиқилди. Қатор ўқув адабиётлари нашр қилинди. Ўқувчи-ёшлар орасида уларнинг Ватанга, миллатга, эл-юртга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга бўлган муносабатларини ифодаловчи «Маънавият қалбим қуёши», «Ватанни севмоқ иймондандир», «Ўзбекистон–Ватаним маним» каби мавзуларда Республикада иншолар кўрик-танлови ўтказилди. Танлов натижалари махсус тўпламларда нашр этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўқув юртларида маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 28 июлда 205 сонли буйруғи эълон қилинди. Унда олий ўқув юртларида маънавий-маърифий ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳ тузилди, 1998-2000 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури, ишлаб чиқилди.

Олий ўқув юртлари ўқувчиларида маънавий шакллантиришни ташкил этиш ва уларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 2 июлдаги 230-сонли буйруғи чиқарилди ва уни бажариш учун қатор тадбирлар белгиланди. Жумладан, бунда кўрсатилишича «Маънавиятни юксалтириш, фан, маданият ва миллий саънатни ривожлантириш», «Тарихий меросни ўрганиш ва миллий урф-одатлар ва анъаналарни тиклаш», «Ёш авлодни маънавий, ахлоқий ва жисмоний камол топтиришда ёшлар ташкилотлари фаолиятини фаоллаштириш», «Демократик дунёвий давлат қуриш тамойилларини мустахкамлаш, экстремизм ва диний

ақидапарастлик ғояларининг кириб келиши ва ёйилишининг олдини олиш чора тадбирлари» каби бир қанча дастурлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августда «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 343-рақамли қарори қабул қилинди. Қарорда ўқув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар кўрсатилган бўлиб, ушбу талабларда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокининг биринчи ўринда туриши ҳамда ҳар бир ўқувчида мустақиллик тафаккури юқори бўлиши кўрсатиб ўтилади. Чунки ушбу блокда «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими негизида олинган билимларни тўлдириш ва ривожлантириш, миллий истиқлол ғояси ва демократия, миллий ва умуминсоний кадриятлар негизида илмий ва гуманитар дунёқарашни, юксак маънавият ва демократик маданиятни, иқтисодий, ҳуқуқий, эътиқод ва ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириш; таълимнинг тарих, фалсафа, халқ анъаналари, урф-одатлари билан узвий бирлигини, Ўзбекистон халқлари маданиятини ва бойлигини асраш, бошқа халқлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлаши, маънавий сифатлар, ватанпарварлик ва байналминаллик руҳини ривожлантириш, таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарор қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини таъминланиши лозим» деб уқтирилган.

Демак «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам, «Олий таълимнинг давлат таълим стандарти»да ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қатор буйруқларида ҳам маънавий-маърифий ишлар жараёнида ўқувчи-ёшларда маънавий маданиятини шакллантириш орқали маънавий сифатларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ушбу соҳада Республика олий ўқув юртларида бир қанча ижобий натижалар қўлга киритилди, тажрибалар тўпланди.

Шуни айтиш керакки, маънавий-маърифий ишлар жараёнида ўқувчиларда

маънавий сифатларни шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида амалга оширилади.

Маънавий-маърифий ишларни бошқариш халқчиллик, ошкоралик, ўз-ўзини бошқариш асосида олиб борилади. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш режаси университетпедагогик жамоакенгашида тасдиқланган режа асосида амалга оширилади. Чунки, университет педагогик жамоа кенгаши энг юқори орган ҳисобланиб, ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг касб маҳорати ва ижодкорлигини ўстиришга қаратилиши ва режа асосида иш олиб бориши лозим. Албатта ушбу режа, университет томонидан тасдиқланади. Шунини айтиш керакки, бошқариш ҳар қандай жамиятга, ҳаётнинг барча соҳаларига ҳос бўлган нарсадир. Олий ўқув юртини бошқаришнинг асосий мақсади – профессор-ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий эҳтиёжларини тўла қондириш ва ўқувчиларнинг ҳар бир фан асосларини чуқур эгаллашлари учун қаратилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, ҳар томонлама ривожланган, малакали, рақобатбардош ва баркамол мутахассисларни тайёрлаш каби улуғвор вазифаларни амалга ошириш зарурати кўрсатилган.

Дарҳақиқат, ўқувчилар ўртасида маънавий ва маърифий, тарбиявий ишларни ривожлантириш ва уни ҳаётга татбиқ этиш жараёни узлуксиз таълим-тарбия тизимининг ўзига ҳос, узвий таркибий қисми бўлиб, ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқув юртлирининг тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш шунини кўрсатмоқдаки, биринчидан, аксарият ўқув юртлирининг маънавий-тарбиявий ишлар режаларида турли йўналишлар бўйича ўтказилиши кўзда тутилган кўплаб, кўпинча бажарилишини

таъминлаш имкони бўлмаган тадбирларнинг қатор номларини ёки бир неча тадбирдан иборат бўлган, қисқа, бажарилиши лозим бўлган асосий вазифаларни қамраб олмаган режаларни кўриш мумкин.

Маънавий-маърифий ишлар режаларида уни ўтказилиш вақтининг мавхумлиги ёки аниқ белгиланмаслиги, тадбирларни ташкил этишга масъул бўлган ташкилотлар ва кафедраларнинг умумий тарзда берилиши, яъни айнан уни бажаришга масъул бўлган шахсни кўрсатилмаслиги кўзга ташланади. Бу ҳолат эса тадбирларни ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш ва назорат қилишга масъул бўлган факультет, кафедра ва жамоат ташкилоти раҳбарининг тадбир ўтказиш вақтини ёдидан чиқариб қўйишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда ўқув юртларининг айрим профессор-ўқитувчилари, кафедра мудирлари онгига ўрнашиб қолган, яъни тарбиявий иш билан ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари аъзолари ва жамоат ташкилотлари («Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, касаба уюшмаси, хотин–қизлар қўмитаси, мураббийлар кенгаши) шуғулланиши керак, деган тушунчага барҳам бериш вақти етди. Чунки, ҳозирги кунда бу жамоат ташкилотлари тарбиявий ишлар тизимида ўз ўрнини топа олмаяпти, кўпинча кузатувчи ёки маъмурият томонидан ташкил этилган ва ўтказиладиган ишларга, тадбирларга бош қўшувчи, юзаки ишга айланиб қолмоқда.

«Кучли давлатдан, кучли жамият сари» деган тамойилни ҳаётга жорий этиш, яъни фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрнини кескин кучайтиришга алоҳида эътибор берилаётганидан келиб чиқиб, ўқув юртларида фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотлари ўз фаолиятларини замон талаблари асосида қайта кўриб чиқишлари ва ҳаракат дастурларининг амалий таъсирчанлигини таъминлашлари давр талаби бўлиб қолди.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, республикаимизнинг техник ва шу соҳа мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатаётган университет, институт

факультетларида машғулоти олиб бораётган профессор-ўқитувчиларда тегишли маълумот, касб тайёргарлиги бўлишига қарамай, педагогик-психологик йўналишидаги билимлари талаб даражасида эмас. Шунинг учун ҳам ўқув юртлари, профессор-ўқитувчиларининг маънавий-маърифий йўналишидаги билимларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бу эса мухандис-педагог кадрлар тайёрлашни янада такомиллаш-тиришни тақозо қилади. Шунингдек магистратурада таълим олаётганлар ҳам миллий истиқлол ғояси йўналишларини чуқур ўрганадилар. Демак, маънавий-маърифий йўналишларни эгаллаш кадрлар тайёрлашнинг асосий негизини ташкил этади. Шундай экан, шундан махсус ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг маънавият-маърифат ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларга таълим бериш методикасини ўргатиш ўқувчилар таълимини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Бу эса олий ўқув юртлари, профессор-ўқитувчилари маънавий-маърифий соҳа бўйича малакаларини оширишлари кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда ва олий таълим муассасалари фаолиятида ўқув ишларини юқори даражага кўтаришда ўз самарасини кўрсатади. Улар ўқувчиларга касб фаолияти, маънавий сифатлар кўникмаларини эгаллаши учун зарур билимлар бериш билан бирга, маънавий ҳаёт, шахс ва жамият эҳтиёжлари, таълимнинг маънавий сифатлар руҳи, миллий истиқлол ғояси, маънавият каби йўналишлар бўйича маълумотга эга бўлишларини таъминлайдилар.

Шундай экан, ушбу йўналишлар асосида маънавий сифатларни шакллантириш, ўқувчиларга замон талаблари даражасида таълим-тарбия бериш, ҳар бир ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки, ўқувчиларни, жумладан мухандис-педагог кадрларни умумжаҳон фан-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган, халқимизнинг миллий анъаналарига садоқатли, жамиятимизнинг ҳар тамонлама мукамал фуқароси даражасида тарбиялаш ўқитувчининг билимига, маҳоратига боғлиқ. Албатта бундай

кадрларни тайёрлашда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, «Маънавият асослари», «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанларини ўқитишни, юқори малакали педагог кадрларга бериш;

- мутахассислик фанларини ўқитишда ўқувчиларда маънавий-маърифий билимларни шакллантириш;

- бўлажак кадрларнинг касбий билими, маҳорати ва кўникмаларини, маънавияти ва маданияти, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш учун педагогик вазиятлар, тестлар, машқлар тайёрлаш;

- «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида ўқитувчиларнинг ахлоқий фазилатлари ҳақидаги билимларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш;

Иккинчидан, педагог кадрлар тайёрлашда ўқитувчи-профессорлар:

- маънавиятнинг шахс камолотидаги аҳамиятини;

- халқ педагогикасининг асосий йўналишларини, Ўрта Осиё мутафаккирларининг таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини;

- оила педагогикасини;

- мустақил Ўзбекистон миллий педагогикаси мазмунини;

- И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият енгилмас куч» китобидаги ғояларини;

- И.А.Каримовнинг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» асарида берилган таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг йўл-йўриқларини;

- таълим-тарбия жараёнини маънавий-маърифий билим асосида амалга ошириши лозим.

Бунинг натижасида таълим ислохотларини онгли равишда тўла ўзлаштирган, уларни амалга ошириш жаарёнида фаол иштирок этадиган, замон талабларига ҳозиржавоб, касб маҳорати юксак, маънавий-ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган ўқитувчи кадрлар таркиби шаклланади. Ўқувчи-ёшларга

таълим-тарбия бериш сифати юқори даражага кўтарилади.

Шу мақсадда ўрта махсус таълим ўқувчиларининг маънавий-маърифий билимларини шакллантириш бўйича билим, кўникма ва малакалар мезонлари ишлаб чиқилди. Улар ўқувчи-ёшларни миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган бўлиб, ҳар бир ўқувчи шахсида она юрт тинчлиги, Ватан равнақи учун хизмат қилиш, юқори малакали кадр бўлиб етишиш учун интилиш туйғуларини шакллантиришни назарда тутди. Бўлар:

- маънавий-маърифий ишлар педагог кадрлар тайёрлаш тизимида ва таълим-тарбия жараёнида илмнинг устувор соҳаси сифатида қабул қилинганлиги;

- Президент И.А.Каримов асарларида маънавий-маърифий ишларнинг методологик асосларининг ифода этилганлиги;

- таълим мазмунида маънавият, миллий истиқлол ғояларини шакллантириш зарурияти;

- мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари асосида олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, комил инсонни вояга етказиш муҳимлиги;

- маънавий-маърифий ишлар асосида олий таълимни бошқариш ва ўқув-тарбия фаолиятини ташкил этиш ўқувчи билимини ошириб бориши;

- ўқув-тарбия жараёнида маънавий-маърифий йўналишлардан фойдаланиш шахс маънавиятини шакллантиришнинг асосий омили эканлиги;

- Ўрта Осиё мутафаккирларининг маънавият ҳақидаги ғоялари ва улардан шахс камолотида фойдаланиш;

- миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш;

- ўзбек халқининг маданий ва маънавий мероси, қадриятларининг шахс шаклланишидаги таъсирини англаб етиши;

- шахс тарбиясида ўзбек халқ оғзаки ижодиёти намуналаридан фойдаланиш йўллари, восита ва методларини билиш;

- тасаввуф таълимотида илгари сурилган таълим-тарбия асосларини ўрганиш;

- ўзбек халқининг маърифий ҳаётида таълим-тарбиянинг шаклланиши, унинг тарққиёт босқичлари ва ўзига хос йўналишларига эътибор қаратиш;

- ўрта махсус таълим педагогик жамоасида маънавий муҳитни тартибга солувчи одоб-ахлоқ ва ҳуқуқ, қонун, қоидаларни билиш ва уни амалиётда қўллаш;

- ўрта махсус таълим жамоасини бошқаришни мустаҳкамлаш, раҳбарлик хусусиятларига ва замонавий педагогик билимларга эга бўлиш ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам ижтимоий гуманитар фанларнинг асосий вазифаси миллий ва умумбашарий тамойилларга асосланиб, юксак маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантиришга, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим-тарбия тизимини тубдан ислох этишнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилган. Шу жihatдан олий ўқув юртларида маънавий-маърифий ишларни ташқил этишда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлди:

1. Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти ва мазмуни, уларнинг тарихий шакллари, халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, Озод ва обод Ватан бунёд этиш - Ўзбекистон тараққиётининг асосий йўли, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, динлараро бағрикенглик каби мақсад ва вазифалар.
2. Маънавият тушунчаси ва унинг шахс камолотидаги аҳамияти. Жамият маънавиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да маънавият масалаларининг ифода этилиши, олий ўқув юртида ўқувчиларни маънавий тарбиялаш мазмуни, шакл ва методлари, маънавий-маърифий ишларни режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш.
3. ўрта махсус таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни бошқаришнинг назарий, ижтимоий-педагогик ва амалий-услубий асосларини

ишлаб чиқиш асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш;

4. ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув, маънавий-маърифий ишлар жараёнларининг яхлитлигига эришиш. Бошқарув жараёнлари, тамойил-лари ва қонуниятларига амал қилиш;
5. ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари асосида маънавий-маърифий ишларни бошқаришнинг мазмуни, шакллари, услублари ва воситаларини яратиш;
6. ўрта махсус таълим фаолиятида маънавий-маърифий ишлар сифатини янада яхшилаш мақсадида, олий таълим маънавияти мониторинг тузилмаси (шакллари), мазмуни ва усуллари ишлаб чиқиш ва улардан ўқув-тарбия, маънавий-маърифий ишлар жараёнида фойдаланиш;

Юқорида келтирилган тавсиялар ўрта махсус таълимнинг маънавий-маърифий ишларни бошқаришда унинг самарадорлигини ҳамда таълим сифатини оширишда, ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

2.2. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш йўллари ва мазмуни

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори бўлган баркамол авлодни маънавий жихатдан вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Албатта, бу ишларни амалга оширишда узлуксиз таълим турлари, айниқса, олий таълим ўқув муассасаларининг аҳамияти бекиёсдир. Чунки ушбу масканда таълим олаётган ҳар бир йигит-қиз, фақатгина у ёки бу соҳа мутахассислигига эга бўлибгина қолмай, жисмоний ва маънавий жихатдан камол топади. Жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этади. Ўзининг маънавияти, маданияти билан Ўзбекистон тараққиётининг бош йўли бўлган озод ва обод Ватан учун меҳнат қилади. Албатта бу улкан вазифаларни амалга

оширишда олий таълим тизимида ўқитиладиган ижтимоий фанларнинг аҳамияти каттадир. Чунки, ижтимоий фанлар ўқувчи шахсида маънавий сифатларни шакллантиришда, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашда, маънавиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Шу жihatдан олий таълим ўқув муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш долзарб муаммолардан хисобланади. Чунки, ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш ижтимоий буюртма сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шунинг учун ҳам жамиятнинг турли-туман эҳтиёжлари ичида маънавий сифатларни шакллантиришга бўлган эҳтиёж кундан кунга ортиб бормоқда. Дархақиқат, биринчи навбатда соғлом инсоннинг билим олиши, иккинчидан, инсоннинг рухий камолоти, учинчидан, иймон, эътиқоди таълим жараёнида эгаллаган билимига, тафаккурига боғлиқ. Чунки, ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда тафаккур хусусиятлари ривожланади. Шундай экан, ижтимоий фанларни ўқитишда маънавий сифатларни шакллантириш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига боғлиқ. Бунда ўқитувчи мустақиллик тушунчасининг моҳияти ва унинг давлат ҳамда жамиятдаги ўрни, айниқса, ҳар бир ёшнинг фуқаролик ва психологик етукликка эриша боришига ҳам боғлиқ.

Ўқувчилик даврида ҳар бир ёшнинг ижтимоий ва рухий етуклиги ривожлана бориши асосида унинг ўз-ўзини англаши шаклланади. Шунга кўра бу даврда ёшларга ижтимоий психологик таъсир, қонун ва бурчларини билиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ижтимоий ва психологик етуклик ёшларда масъулият ва бурч хиссини англаб олишда, эътиқодининг мустаҳкамлигида ўзига хос хусусиятга эга. Бу борада психологлар Э.Ғозиев, Р.С.Немов, В.А.Токарева ва бошқалар муҳим фикрлар билдирганлар. Уларнинг фикрича ўқувчиларда тафаккур қилиш қобилияти, хис-туйғулари, ахлоқий хислатлари аста-секин ривожланиб, ўз-ўзини баҳолаши асосида эътиқоди ҳам мустаҳкамлана боради. Бўлар эса пировард натижада маънавий сифатларнинг шаклланишига олиб келади.

Олий таълим ўқув муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитиш технологиясини назарий ва амалий жихатдан ишлаб чиқиш, ўқувчилар билимини рейтингли баҳолаш, янги билим олиш жараёнини интенсивлаштириш, модулли ўқитиш технологиясининг ўзаро бир-бири билан узвийлиги асосида «Маънавият асослари» ва «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани машғулотларининг самарадорлигини ошириш ва бунинг натижасида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш кабилар самарали натижалар беради.

Бунинг учун: ўқув-тарбия жараёнини ўқувчиларнинг маънавий сифатларни шакллантиришга йўллаш, ҳар бир дарс жараёнида ўтиладиган мавзуларда мустақиллик, истиқлол, Ватан равнақи каби тушунчаларнинг англаб етишга эътибор бериш ва улардан тарбия жараёнида фойдаланиш, таълим жараёнида умуминсоний қадриятларга садоқатлилиқ, маънавий меросимизни ўрганиш ва ривожлантириш масалаларига аҳамият бериш, ўтиладиган мавзулар асосида ўқувчиларнинг мустақиллик ҳақидаги билимини текшириш ва баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш, дарс жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш, ўқувчиларнинг маънавий сифатларни шакллантиришда халқ оғзаки ижоди, Ўрта Осиё мутафаккирлари асарларидан фойдаланиш, фанлараро алоқани амалга ошириш, мустақиллик тушунчаси, моҳияти, тузилиши ҳақида маълумотга эга бўлиш ва ўқувчиларнинг тафаккур фаолияти, онгли интизомини ташкил қилиш методикасини ишлаб чиқиш янада таъсирчан бўлади

- Бундан ташқари, маънавий сифатларни шакллантириш муаммоларига доир вазиятларни ҳал этиш, ўқувчиларнинг тафаккурини шакллантиришда гуруҳ раҳбарининг тарбиявий ишлар режасига эга бўлиш, ўқувчилардаги салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш йўллари аниқлаш ва тарбияси қийин ўқувчилар билан ишлаш, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот маданиятини яхши йўлга қўйиш, ёшлар билан ишлаш кабиларни амалга ошириш лозим. Шунингдек дарсдан ташқари ишларда мустақил Ўзбекистон фуқароларини

тарбиялашда халқ педагогикасининг асосий йўналишлари бўлган ўзбек халқ ўйинлари, диний таълимотлар (ҳадис ва тасаввуф), халқ амалий санъати ва хунармандчилиги, миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъати, тасвирий санъат, тарихий ёдгорликлар ва миллий меъморчилик, халқ рақс санъати, Ўрта Осиё мутафаккирлари асарларини ўрганиш;

- ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчилар жамоасини мустахкамлаш, унда соғлом маънавий рухий муҳит, ҳақиқий ижодий вазият ва жавобгарлик шароитини яратиш, ўқувчилар кенгаши ишига жиддий ёндашиш асосида раҳбарлик қилиш;

- ўқувчиларда билим эгаллаш маданиятига ва онгли интизомга риоя қилиш маъсулиятни кучайтириш, уларда халқимизнинг адолат, тенглик, ахиллик ва маънавий сифатларнинг нозик куртакларини ўстириш, ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаларининг биргаликдаги фаолиятини ривожлантириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ўз-ўзини бошқариш;

- олий ўқув юртида «Маънавият ва маърифат» марказини тузиш ва унинг фаоллари ёрдамида тадбирлар ўтказиш, олий ўқув юрти жамоасининг юксак маданиятли бўлишини таъминлаш ҳамда бу соҳада ёш авлодда маънавий сифатларни шакллантириш учун унинг маъсулиятини ошириш;

- ўз-ўзини англаш, миллий урф одатлар, анъаналарни ҳурмат қилиш ва Ўзбекистон байроғи, герби, мадҳияси, ўзбек халқининг миллий ғурури, маънавий меросини ўқувчилар онгида мужассамлаштириш;

- ўқитувчиларнинг мустақиллик ҳақидаги билимларини ошириш ва бу ҳақда кўргазмали қуроллар тайёрлаш, энг яхши тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш, тарғиб қилиш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган «устоз ва шогирд» анъаналарини давом эттириш ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

- тарбия жараёнида ўқувчиларнинг маънавий сифатларни шакллантиришни такомиллаштириш, уларда онглилик, иймон эътиқодни ривожлантириш. Бу ишга Ўзбекистон истиқлоли учун курашганлар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари,

ишлаб чиқариш илғорлари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, санъаткорлар, мулк эгалари, фермер раҳбарларини жалб этиш;

- миллий байрамлар ва анъанавий тадбирлар тайёрлаш ишларига раҳбарлик қилиш, миллий меъморчилик ва хунаромандчилик, тарихий ёдгорлик жойлари бўйлаб саёхатларни ташқил қилиш маънавий ишларни бош асосисни ташқил этади.

Шуни қайд этиш керакки, олий ўқув юрти ўқувчиларида маънавий сифатларни шакллантириш халқчиллик, ошкоралик асосида олиб борилади. Маънавий-маърифий ишлар жараёнида олий ўқув юрти ўқувчиларида маънавий сифатларни шакллантириш режа асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Биз ана шу мақсадда «Маънавий сифатлар-келажак пойдевори» махсус курснинг режаси ва дастурини туздик. (1-илова). Ўқувчилар учун тузилган режа 20 соатга мўлжалланган бўлиб, унда «Маънавий сифатлар-мамлакат келажакнинг пойдевори», «Ўзбекистон мустақиллиги ва мафкуравий муаммолар», «Маънавий-ахлоқий қадриятлар-маънавий сифатларнинг асосий негизи», «Маънавий сифатлар ва ёшлар», «Маънавий сифатлар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш», «Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий сифатларни шакллантириш», «Ислом таълимоти асосида маънавий сифатларни такомиллаштириш», «Олий ўқув юрти, оила ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигида ўқувчи-ёшларда маънавий сифатларни шакллантиришнинг асосий йўналишлари», «Маънавий сифатлар бу халқнинг, миллатнинг буюк эътиқодидир» каби мавзулар ўрин олди. Ушбу дастур профессор-ўқитувчиларда, ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришда, ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштиришда муҳим ўрин эгаллади. Ушбу режа асосида ўтказилган машғулотлар ўқитувчиларнинг касб маҳорати ва ижодкорлигини ўстиришга, ўқувчиларнинг ҳар бир фан асосларини чуқур эгаллашларига яқиндан ёрдам берди. Маънавий сифатларни шакллантиришда биринчи навбатда ўқувчиларнинг маънавий-маърифий ҳолатини, ижтимоий

фаолиятини, уларнинг қадриятлар руҳида тарбиялашни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. маънавий сифатларни шакллантириш вазифаларидан бири илм-маърифатли, маданиятли, ҳар томонлама камол топган, юксак даражадаги пок ва ахлоқли кадрларни тайёрлашдан иборат. Албатта бунда уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги билимларини инобатга олиш зарур. Чунки улар жамият ҳаёти ва тараққиётининг асосини ташкил этади.

Маънавий-маърифий ишлар жараёнида ҳар бир ўқитувчи фаолиятининг хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Маънавий сифатлар ғояларини, маънавиятнинг асл масканларини ўзида сақлаб келаётган қишлоқларимиз ва уларнинг тарихи билан таништириш ва бугунги кундаги қишлоқларимиздаги шарт-шароитлар билан ҳам таништириш;

2. Ўқитувчи доимо ўзгарувчи, ўсиб боровчи инсон билан мулоқотда бўлади. Албатта бунда эски ҳаракатларни қўллаб бўлмайди. Бу албатта доимо ўқитувчидан ижодий ёндошувни талаб этади.

3. Ўқувчига ўқитувчи билан бирга бутун ўраб турган муҳит таъсир этади. Шунинг учун раҳбар меҳнати ҳар бир ҳаракатда таъсирчан, турли муносабатда бўлиши керак.

Лекин тарбияланувчига таъсир этишнинг асосий қуроли-бу ўқитувчи шахси, унинг билими, малакаси. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий омили-меҳнат, мулоқот, ўқиш фаолиятларидир.

Бундан ташқари маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш модели ишлаб чиқилди.(1-жадвал).

1 - жадвал

Шундай экан, ўқитувчи педагогик маҳорати-бу биринчидан шахснинг структурасида ўз-ўзини бошқариш, иккинчидан, фундаментал билимларга эга бўлиш, касб маҳоратини эгаллаш, мутахассислик малакасига эга бўлиш, учинчидан, педагогик қобилиятларга – маҳорат, такомиллаштиришни тезлаштириш. Тўртинчидан, билим ва қобилиятларга таяниш, педагогик фаолият мақсадларини бир-бири билан боғлашга эришишдир.

Ўрта махсус таълим жараёнидаги маънавий-маърифий ишлар давомида

ўқувчиларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришда профессор-ўқитувчилар ўқув-тарбия жараёнида қуйидагиларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

1.Маънавиятни амалий жихатдан юксалтириш, эркин шахсни шакллантириш. Ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида бўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун шарт-шароитларни яратиш бу борада Президентимиз И.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”¹² номли китоби билан таништириш.

2.Баркамол шахс-комил инсонни тарбиялаш. Бу соҳадаги И.А.Каримов энг асосий вазифалар сифатида қадриятларимизни тиклаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларда бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтириш.

3.«Навоий ва маънавият» мавзусида методик тавсия ишлаб чиқиш. Навоийшунос олимлар билан ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг ижодий учрашувини ташкил этиш. «Биз Навоий авлодимиз» мавзуида кеча ўтказиш. «Ўзбек тили ва умуминсоний қадриятлар» мавзусида семинар ташкил қилиш.

4.Таълим тизимидаги демократик ўзгаришлар. Миллий ғоя ва мафқура тарбияси. Турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий, куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғунлаштирувчи ғоя-юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шартлигини ўқувчилар онгига етказиш.

5.Ўрта махсус таълим тизимида таълим олувчилар ва педагогик ходимларда миллий мафқурани шакллантиришни такомиллаштириш бўйича истиқбол

¹²Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида” китобидаги материаллар, қоидалар ва ҳулосаларни ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар комплекси.

режасини тузиш ва ҳаётга тадбиқ этиш таълим муассасаларида ўқитиладиган барча фанлар дастурига ўқитувчилар ва ўқувчи-ёшларда миллий ғоя ва мафқурани шакллантиришга ёрдам берадиган материалларни киритишга эътиборни қаратиш.

6.Динга ҳурмат ва унутилмас қадриятлар. Ислом дини ота-боболаримиз дини эканини, у биз учун ҳам иймон ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаш. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини қиёслашга ўргатиш.

Ёшларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини кенг кўламда амалга оширишга алоҳида эътибор бериш.

7. Истеъдодли ёшларни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш ишларини кучайтириш, уларнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси» номли стипендиялар учун танловда фаол қатнашишини таъминлаш.

8.Ўқувчиларнинг саломатлиги ва жисмоний тайёргарлигини белгиловчи меъёрларни ишлаб чиқиш. Ўқувчилар саломатлигини асраш ва ривожлантиришда жисмоний тарбиянинг аҳамияти тўғрисида қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Ўқувчилар спорт мусобақаларини ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш.

9.Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш. Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва эллатларнинг тили, маданиятини, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларга яратиб берилган имконият ва шароитларни янада кенгайтириш. Миллатлараро тотувлик ва барқарорликни сақлаш, уни кўз қорачиғидай асраш.

10.Диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши курашни давом эттириш. Диний экстремизм ва ақидапарастлик, «вахобийлик» каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида ўқувчи-ёшларга диннинг асл моҳияти ҳақида асосли маълумотлар бериб бориш. Халқларимиз табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг

келажагига катта хавф туғдиришини ўқувчилар онгига чуқур сингдириб бориш.

Хулоса қилиб айтганда юқорида келтирилган йўналишлар ўрта махсус таълимнинг маънавий-марифий ишлар жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутadi.

2.3. Коллеж ўқувчиларида маънавий сифатларни шакллантиришда гуруҳ раҳбарининг фаолияти

Ўрта махсус таълими ўқувчиларида маънавий сифатларни шакллантиришнинг асосий тамойилларидан бири миллий ўзликни англаш ҳисобланади.

Миллий ўзликни англаш – бу ўз миллати, халқи, анъаналари, урф-одатлари, туғилиб ўсган жойи, Ватани, тили, дини, авлод-аждодлари, касб-кори, оиласидан ғурурланиши, уларни асраб-авайлаши ҳамда бошқа халқлар ва миллатларни ҳурмат қилиш демакдир.

“Миллий ўзликни англаш - инсоннинг инсонийлигини англаш, ёш авлод онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ўз мустақил фикрга эга бўлиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга эришиш”¹³ каби баркамол инсон тарбиясининг асосий йўналишларини кўрсатиб беради. Айнан миллий ўзлигини англаш жараёни баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда педагогика фанида миллий ғоя ва мафкураларнинг моҳиятини англаш, келажак авлодлар олдидаги юксак маъсулиятни, мафкуравий ғояларнинг моҳиятини, ўз кадр-қимматини англаш каби тушунчалар кенг қўлланилмоқда. Ана шу билим, кўникма ва малакалар миллий ўзликни англашни шакллантиришда муҳим ўрин тутadi. Чунки билимларнинг, ахборотларнинг, жараёнларнинг мазмуни ва моҳияти ёшлар

¹³Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. (Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов асарлари асосида).-Т.: Шарк. 2001.-36 б

томонидан англаб етилмас экан, у хеч қандай маъно касб этмайди. Айниқса, ёшлар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва Ватанимиз равнақига хизмат қиладиган баркамол авлодни вояга етказишда уларни фойдали фаолиятга йўналтириш муҳим аҳамият касб этди.

Ўқувчи тарбияси унинг онгига ахборотларнинг ҳамда жараёнларнинг қанчалик таъсир кўрсатиши билан боғлиқ. Ушбу жараёнлар ичида шахснинг ўз йўлини топа олиши, ўзлигини сақлаб қолиши жамият, мамлакат ва миллат тараққиёти учун катта аҳамиятга эга.

Ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг бош омили билим, яъни ўқувчи учун янги ахборотлар тизимидир. Билимлар тизimini қиёслаш уларда мустақил фикрлашни вужудга келтиради. Бу йўналиш бўйича умуминсоний қадриятларга садоқат тушунчаси ва моҳияти ўқувчилар онгига сингдирилди. Шу муносабат билан ўқувчилар билан «Дунё бизни танимоқда», «Тошкент-тинчлик ва дўстлик шаҳри», «Туркистон умумий уйимиз», «Туркистон бир – Ватан бир», «Дўст билан обод уйинг», «Йўлимиз олис, дилимиз яқин», «Маънавий сифатлар – ўзбек халқига хос энг яхши фазилатдир», «Жаҳонга бўйлаётган Ўзбекистон» каби мавзуларда тадбирлар ўтказилди.

Коллеж ўқувчиларида маънавий сифатларни шакллантиришда халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва ривожлантириш тамойили. Бу йўналиш бўйича «Бизга Алпомишлар керак», «Имом Ал-Бухорийнинг ҳадислари», «Амир-Темур тузуклари ва унинг бугунги кундаги аҳамияти», «Алишер Навоий даври ва ҳозирги замон», «Тил-дил таржимони» каби мавзуларда тадбирлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларга кишиларни хотирлаш, йўқлаш ва зиёрат қилиш одатлари сингдирилди. Ўқувчиларни чин инсонийлик руҳида тарбиялаш муҳимдир. Бу миллий қадриятларнинг энг муҳим буғинларидан биридир. Маълумки, ижтимоий тараққиёт қанчалик илгарилаб борса, ижтимоий муносабатларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган инсон тарбиясига талаб ҳам

шунчалик ортиб боради. Шундай экан, ота-боболар ва ёш авлодлар ўртасидаги боғланишда маънавий қадриятларнинг ўрнига катта аҳамият бериш зарур. Чунки, ота-боболаримиз ҳаётдаги илғор ғоялар, қарашлар, ҳислат ва фазилатлар, урф-одат, анъана, маросим ва байрамларнинг янги авлод ҳаётида такрорланиши маънавий сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Шундай экан, ёшларга авлод ҳаётида шаклланган ва қарор топган ижобий, илғор ҳодисаларни азал-азалдан авлодлардан авлодга ўтиб, мангу ва абадий ақида сифатида такрорланиб келаётганлигини, миллий қадриятларни тушунтириш катта тарбиявий аҳамиятга моликдир. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда ота-боболаримизга бўлган мухаббатни кучайтирадиган, улар билан фахрланиш ҳиссини уйғотадиган, илғор ва курашчан фуқаролик туйғусини шакллантирадиган муҳитни вужудга келтира олиш ҳар бир ўқитувчининг асосий вазифасидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, муаллим ва мураббийларни эслаш, меҳр-шафқат кўрсатиш бугунги кунда халқаро аҳамиятга эга бўлиб қолди. Ўзбек халқининг азалий миллий қадриятлари кекса кишиларнинг иззат-иқромини жойига қўйиш уларни эъзозлашга бўлган ғамхўрлигини янада оширди.

Улуғ аждодларимиз Ал-Хоразмий, Имом Ал-Бухорий, Беруний, Ибн Сино, Фаробий, ал-Фарғонийлар оламда машхурдир. Уларнинг қолдирган илмий, маданий меросини чуқур ўрганиш ўқувчиларнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутди. Ўзларининг юксак инсоний фазилатлари ва илмий-ижтимоий фаолиятлари билан халқимиз тарихидан муҳим ўрин олган, унинг чинакам миллий ғурурига айланган буюк зотлар муқаддас заминимизда қўплаб топилади. Улар яратган бебаҳо маънавият сарчашмаларидан бугунги авлод кишиларини баҳраманд этишдир.

Маънавий сифатларни шакллантиришда ўқувчиларни она тилига нисбатан меҳр-мухаббат руҳида тарбиялаш муҳимдир.

Маънавий сифатларни шакллантиришнинг асосий тамойилларидан яна бири ўқувчиларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдир. Миллий

қадриятларни билиш, уларни кўз қорачиғидай асраш, халқ анъаналарини қадрлаш, жахон халқлари маданиятининг энг яхши анъаналарини ўрганиш, айти пайтда диний қадриятлардан ҳам чуқур бохабар бўлиш муҳимдир.

Модомики, ёшларни миллий ва диний қадриятлар таъсирида тарбия қилар эканмиз, бунда виждон ва дин эркинлиги қоидалари ва тамойилларига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Шу ўринда юртбошимиз И.А.Каримовнинг куйидаги ибратомуз сўзларини келтириб ўтиш жоиздир: «Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларини қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Исломота-боболаримизнинг дини—мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир»¹⁴.

Маънавий сифатларни шакллантиришнинг асосий тамойилларидан бири ақл-заковат тарбиясини амалга оширишдир. Бу йўналиш бўйича куйидаги мавзуларда тадбирларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир: «XXI аср маданияти ва маънавияти», «Қизлар иффати», «Аёл латофати», «Аёл тадбиркор», «Яхши аёл - уй зийнати», «Маънавият аёлдан бошланади», «Ахлоқ-одоб сабоқлари», «Одоб олтиндан қиммат» ва бошқалар. Айти пайтда улар онгида ижтимоий ғоялар шаклланади, маънавий-ахлоқий тарбия асослари яратилади.

Маънавий сифатларни шакллантириш тамойилларидан яна бири ўқувчиларни ҳуқуқий тарбиялашдир. Айтиқса, инсон қадр-қиммати, шаъни, ор-номуси юксак қадр топган, унинг шахс сифатидаги олий мақоми тайин этилган ватанимиз - Ўзбекистонда инсон ҳуқуқи алоҳида маъно ва мазмун касб этмоқда. «Қулликка рози бўлманг», «Ҳуқуқ нима?», «Конституция - ҳаётимиз қомуси», «Ўз ҳуқуқингиз ва бурчингизни биласизми?», «Инсон ҳуқуқлари декларацияси» ҳақида суҳбатлар ўтказиш.

Маънавий сифатларни шакллантиришда ўқувчиларни экологик тарбиялаш муҳимдир. Чунки бу жараёнда ўқувчиларнинг экологик онги шакллантирилади. Бу

¹⁴Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1993.-19 с

борада шахсий озодаликни сақлаш, анъанавий хашарлар ташқил қилиш, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ҳозирги куннинг глобал муаммоларидан бирига айланганлигини англантиш ўта муҳимдир.

Маънавий сифатларни шакллантиришда ўқувчиларни иқтисодий тарбиялаш муҳимдир. Бу жараён давомида иқтисодий тафаккур тарзи таркиб топади. Бунда ўқувчиларни бугунги кундаги оилавий тадбиркорлик, касаначилик фаолиятини ташқил этишга жалб этиш “иқтисодий соҳага улуш қўшувчи омил”¹⁵ эканлигини таъкидлаш зарур. Иқтисодий тарбия, тежамкорлик бўйича қуйидаги тадбирлар олиб борилди. Бу тадбирлар «Жаҳон молиявий инқирози», «Ўзбекистон шароитида инқирозга қарши чоралар», «Касаначилик фаолияти» каби мавзуларда савол-жавоблар ўтказилди.

Маънавий сифатларни шакллантиришда ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳам ўта муҳимдир. Бунда ёшлар онги, шуурида оиланинг муқаддас эканлиги таркиб топтирилди. Оиланинг анъанавий, ахлоқий қадр-қиммати ҳақидаги илғор ғоялар шаклланади, миллий қадриятларга ҳурмат руҳи сингдирилади, ёшларнинг оила ҳақидаги билим даражаси, савияси ўстирилади. Оиланинг жамиятдаги муҳим ўрни ва аҳамияти кўрсатилиб, «Маҳалла, оила ва таълим ҳамкорлиги», «Оила - маънавият асоси», «Бир болага етти қўшни ота-она», «Маҳалла маънавият ва маърифат маркази», «Оила куни» мавзуларида ўтган тадбирлар натижасида шахснинг кундалик ҳаётида амал қилиши керак бўлган маънавий-ахлоқий кўникмалари шакллантирилди.

Гуруҳ мураббийлари аудиториядан ташқари тарбиявий ишларни бошқариш билан бир қаторда ўқувчиларнинг билимдон етакчиси сифатида жамоат ташкилотлари ишида ҳам фаол қатнашиши муҳимдир. У маънавий ишларни амалга оширишда ўзининг яқин кўмакчилари— ўқувчилар жамоасига ишониши зарур.

¹⁵Каримов И.А. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. -43 б

1. Гурух рахбарининг шахс психологияси, таълим-тарбия жараёнини яхши билиши муҳим ўрин тутди. Чунки махоратли гурух рахбари ўқувчиларнинг фанлардан тез ўзлаштириши, хунарларни тез ўрганишини ташқил этади.

2. Гурух рахбари доимо ўзгарувчан, ўсиб боровчи ўқувчи билан мулоқотда бўлади. Албатта бунда эски ҳаракатларни қўллаб бўлмайди. Гурух рахбаридан доимо ижодий ёндошув талаб этилади.

3. Ўқувчиларга уларни ўраб турган муҳит таъсир этади. Шунинг учун ҳам гурух рахбари ўқувчининг ҳар бир ҳаракатига турлича муносабатда ёндошиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир гурух рахбари ўз ўқувчиларида маънавий-маърифий ишлар жараёнида маънавий сифатлар, ахлоқий тарбия мезонларини шакллантириши муҳимдир. Шу муносабат билан ҳам биз ана шу мезонларнинг мазмуни ва уларнинг аҳамиятини гурух мураббийларига тавсия этдик.

Демак, гурух рахбари ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришга доир тарбиявий иш фаолиятини мазмунли, аниқ мақсадга йўналтирилган режа асосида ташқил этиши самарали натижаларга олиб келади ва бу фаолиятни ташқил этишда гурух рахбари илмий асосга, юксак касб махоратига ҳамда методик тайёргарликка эга бўлиши муҳимдир.

III боб. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришнинг шарт-шароитлари

3.1. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришга доир тажриба-синов ишларларининг ташкил этилиши

Ҳар қандай таълим мазмунида ҳам, шахс камолотида ҳам маънавий сифатларни шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг асосий омили ҳисобланади. Чунки, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини чуқур сингдириш ва юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берувчи баркамол авлодни вояга етказиш узлуксиз таълим тизимининг асосий мақсадидир.

Биз ушбу масалаларни тажриба ишлари давомида аниқлаш учун қуйидаги сўров варақаси билан коллеж профессор-ўқитувчиларига мурожаат қилдик:

Берилган саволларга коллеж педагоглари маънавий сифатлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги, ўқувчиларни мустақиллик ғоялари

асосида тарбиялашда халқнинг бой маданий мероси, тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланиши, тафаккур тушунчаси ва унинг шахс камолотидаги аҳамиятини тўғри ифодалашган. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришда маънавий сифатлар, миллий истиқлол ғояси, умуминсоний қадриятларга садоқат, халқимизнинг маънавий мероси ватанпарварлик кабиларни ўқувчилар онгига етказиш мазмуни баён этилган. Таълим тизимида маънавий сифатларни шакллантиришнинг асосий мазмуни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш – Ўзбекистон халқининг тараққиёт йўлидаги бош ғояси эканлигини ўқувчилар онгига етказиш ва шу асосда тарбиялаш зарурлиги ҳақидаги фикрларни тўғри билдиришган.

- Ўрта махсус таълими ўқувчиларида маънавий сифатларни шакллантиришда дастлаб маънавий муҳит, таълим-тарбия устуворлигини аниқлаш зарурияти пайдо бўлди. Бунинг учун олий ўқув юртида миллий истиқлол ғояси, комил инсон, маънавият, маърифат блокларини ташкил этиш муҳим эди. Чунки ҳозирги даврда ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш узлуксиз таълим тизимида энг долзарб муаммо ҳисобланади. Бунда биз ижтимоий-гуманитар фанларнинг мазмунидаги миллий истиқлол ғояси, маънавий-ахлоқий тарбия муаммолари, шунингдек ўқувчиларнинг мустақиллик ҳақидаги эгаллаган билимлари, ахлоқий фазилатлари, ахлоқий эътиқодларини, ахлоқий фаолиятини ўрганиш ҳамда амалий ва назарий тажрибаларига асосландик.

Ушбу блокларни белгилашда мустақил Ўзбекистонни ривожлан-тиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ва унинг маънавий йўналишлари, ўқувчиларнинг ақлий имкониятлари, уларга қўйиладиган таълим-тарбия талабларини ҳисобга олдик. Хар бир блок бўйича ўқувчиларнинг ўқув тарбия жараёнида амалга оширадиган йўналишларни белгиладик.

«Миллий истиқлол ғояси» блоки бўйича Ўзбекистон давлат мустақиллиги учун хизмат қилиш, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш маъсулиятини

шакллантириш, миллатлар ўртасида дўстлик, қардошлик, ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилиш, ўқувчилар фаолиятини халқ ҳаёти, тарихи билан боғлаш, ўз халқининг тарихи, маънавий қадриятлари, жумхуриятимизнинг имкониятлари ва истиқболини билиш, кадрлаш ва у билан фахрланиш, умуминсоний ва миллий қадриятларни эъзозлаш, инсон номига муносиб бўлиш ва яратувчилик, бунёд этиш, ўзидан ўчмас из қолдириш каби хусусиятларга эга бўлиш, Ватан фарзанди бўлишдек бахтни кадрлаш ва ўз Ватанига садоқатли бўлиш, комил инсон бўлиб вояга етиш, ўзаро муносабатларда оддийлик ва одамийлик нуфузига эришиш;

«Комил инсон» блоки бўйича: ўқувчида мустақиллик, маъсулият, интизом каби хислатларни ривожлантириш, меҳнат фаолиятида ўз тенгдошлари билан ўзаро муносабатда бўлиш ва бир-бирига ёрдам бериш, ўқувчилар фаолиятига ижодий ёндошиш, ўқувчининг фаолиятига ташқаридан туриб таъсир этибгина қолмай, унга ҳамкорлик қилиш, ўқувчиларнинг қизиқиши ва эҳтиёжларига қараб иш олиб бориш, ўз фаолиятида катта ва кичикларни ҳурмат қилиш, уларга меҳр ва муҳаббат билан муносабатда бўлиш, катталарнинг ахлоқ-одоб намуналарини диққат билан кузатиш, яхши фазилатларини ўрганиш ва амалий фаолиятда намоён қилиш.

«Маънавият» блоки бўйича: маънавиятнинг ижтимоий моҳияти, тизими ва жамият тараққиёти жараёнида тутган ўрни ва мавқеини билиш;

- ахлоқ, одоб, ахлоқшунослик тушунчаларига – бугунги кун тараққиёти қонунларидан келиб чиққан ҳолда «Маънавият ва маърифат» маркази билан тадбирлар ташкил этиш, маънавий асосларни белгиловчи ҳуқ – одоб нормалари, қадрият ва анъаналарнинг истиқлол мафкураси асосида ўқувчилар ҳаётига амалий жорий этиш, турли музейлар, санъат саройларига ташрифлар ташкил этиш.

«Маърифат» блоки бўйича: Ўрта Осиё мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф-Хос Ҳожиб, Алишер Навоийларнинг маънавий мероси ва уларнинг таълим - тарбия ҳақидаги ғояларининг бугунги кундаги аҳамиятини

ўқувчиларга тушунтириш, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби улуғ инсонларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар, уларнинг энг юқори даражадаги маънавий хислатларини, ўз миллатининг келажагини ўйлаган, маориф ва маърифат учун жон куйдирган Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат каби маърифатпарварларнинг ҳаётини ўқувчиларга тушунтириш, халқимиз маънавий меросининг асоси бўлган халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одатлар, миллий анъаналар, диний таълимот, миллий қўшиқ ва рақс санъати, халқ хунармандчилиги, халқ ўйинлари ва ўйинчоқлар, миллий меъморчилик ва тарихий ёдгорликлар ҳақида тўла маълумот бериш ва улардан ўқувчи шахсини шакллантиришда фойдаланиш.

Ана шу йўналишлар бўйича Тошкент иқтисодиёт коллежида тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Коллежда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” йилига бағишланган дастурлар билан боғлиқ асосий тушунча ва тамойилларни ўқувчилар онгига сингдириш мақсадида улар ўртасида мулоқотлар ўтказилди. Ўқувчилар тарбиясида ота-оналар оила ва маҳалланинг ролини кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим даражасини ва дунёқарашини ошириш мақсадида коллежда «Ота-оналар дорилфунуни» ташқил қилинди. Ушбу дорулфунун барча факультетларда ҳар чоракда бир марта ота-оналар билан йиғилишлар ташқил қилиб, уларда бола тарбиясида оила ва маҳалланинг ролига бағишланган маърузалар, суҳбатлар ва мулоқотлар уюштирилди.

Коллежда Президентимизнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни олдини олиш чоралари ва йўллари» китоби мазмун-моҳияти тарғиботи бўйича дарслар ташқил қилинди. «Бунёдкорлик ва бузғунчилик ғояларининг жамият ривожига икки хил таъсири»¹⁶ мавзусида давра суҳбати, буюк алломаларнинг миллий ғоя ва мафкура билан боғлиқ асарлари кўргазмаси ташқил этилди. Ҳозирги замон илмий техника тараққиёти, миллий ғоя ва мафкура, ғоявий бўшлиқ, зарарли ғоялар мавзусига оид маърузалар ўқилди.

¹⁶Иброхимов А, Султонов Х, Жўраев Н. Ватан туйғуси Т.: Ўзбекистон, 1996.-118б

Коллеж профессор-ўқитувчиларининг илмий-фалсафий семинарларида миллий истиқлол мафкураси билан боғлиқ мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ташқил этилди. Ўқувчилар ўз юрти, тарихи, Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган маълумотларга эга бўлдилар. Бугунги кундаги ривожланиши, моддий ва маънавий кадриятлари ҳақида олган билимлари асосида фикр юритиш, уларнинг моҳиятини чуқур англаб етиш, улар билан фахрланиш, буюк неъмат ҳисобланган мустақилликни кадрлаш ва асраб-авайлаш ҳақидаги билимларга эга бўлдилар. Коллеж ўқувчи-ёшларида маънавий сифатларни шакллантиришда «Камолот» ЁИХ билан қасаба уюшма ҳамкорлигида қатор тадбирлар амалга оширилди. Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан факультетларaro «Балли, йигитлар» кўрик танлови ўтказилди. Кўрик танловда йўналишлардан 1 тадан йигит иштирок этди. Кўрик танловни ўтказишдан асосий мақсад ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларда Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотишдан иборат эди. Кўрик танловда «Банк иши» йўналиши ўқувчиси Сирожиддин Вафоевнинг «Тероризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш» мавзусида қилган чиқишлари ўқувчиларда Ватанга садоқат, муҳаббат, бузғунчи ғояларга нисбатан нафрат туйғуларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллади.

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоийнинг 563 йиллигига бағишлаб университетда Навоийхонлик кечаси ўтказилди.

«Баркамол авлод-2014» спорт мусобақалари, «Санамлар сарвари», «Наврўз - умумхалқ байрами» тадбирларининг ўтказилишининг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда ўқувчилар, биринчидан, халқимизнинг миллий урф-одатлари ва ўзига хос хусусиятлари билан яқиндан танишдилар. Иккинчидан, ушбу тадбирлар ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилди.

Бу каби тадбирлар Кенгсой агробизнес касб-ҳунар коллежида ҳам амалга оширилди. Кузатилган ва ўтказилган тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, коллежда маънавий-марифий ишлар жараёнида ўқувчиларда маънавий

сифатларни шакллантириш натижасида уларда Ўзбекистон Давлат мустақиллиги учун хизмат қилиш, уни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш маъсулиятини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Гуруҳ раҳбарлари, тарбиячилар, кутубхонада ўтказган тадбирларда ўқувчиларнинг фаол иштирок этишига эришилди. Ўқувчиларда маънавий сифатларни шаклланганлик даражаси аниқланди ва илғор иш тажрибалари оммалаштирилди.

Ишлаб чиқилган блоклар асосида уч таркибий қисмдан иборат бўлган ўқувчиларнинг маънавий сифатларни шакллантириш тизими ва мезонлари аниқланди. Булар:

- билишга оид томони (когнитивлик) ижтимоий воқеа ва ходисаларни билишга бўлган эҳтиёж, ҳар қандай вазиятга маънавий тайёр бўлиш. Ўзини ўраб турган муҳитга, табиатга, одамларга яхшилик қилиш;

- хис-туйғу мотиви (ҳаракатга келтирувчи туртки), хатти-ҳаракатларни тушуниб етиш ва уларга онгли муносабатда бўлиш, ҳамда англашга ҳаракат қилиш ва унинг натижаларига қизиқтира билиш;

- иродавий (қатъиятлик) хис-туйғуларини бошқаришда ички ирода кучини кўрсатиш, виждон, бурч, маъсулият каби хис - туйғуларни шакллантириш.

Юқорида кўрсатилган бу йўналишлар жамиятда, табиатда ва инсон онгида содир этиладиган нарсалар ва ходисаларга ўз муносабатини билдириш, ҳар қандай муҳитда вазиятга маънавий тайёр туриш, ўз билимлари асосида атроф - муҳитни яхшилашга ўз хиссасини қўшиш, ҳар бир хатти-ҳаракатга, меҳнат қилишга онгли ички хоҳиш билан муносабатда бўлиш, ўз хис - туйғуларини бошқара билиш, бурч ва маъсулият хиссига эга бўлиш, виждонли, инсофли, диёнатли бўлиш - ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш мезонларида ўз ифодасини топди.

3.2. Тажриба-синов ишларининг натижалари ва унинг

самарадорлиги

Тажриба-синов ишлари жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатлар қай даражада шаклланганлигини қуйидаги мезонлар асосида аниқлашга ҳаракат қилдик:

Маънавий ва маърифий ишлар жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш мезонлари ва хусусиятлари:

1. Жамиятга бўлган муносабатни шакллантириш.

- мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини кузатиб бориш ва унинг яхшиланишига кўмаклашиш, миллий қадриятларга амал қилиш, ўзаро ҳамжихат ва жамоа бўлиб яшаш, жамиятда ахлоқий қоидалар асосида ҳаракат қилиш, билим олишга аҳамият бериш.

2. Ҳар қандай вазиятда мустақил фикр билдириш.

- муомала маданиятига амал қилиш, ҳар қандай вазиятда ўзини тута билиш, ўз қарашлари ва ишончлари асосида ҳаракат қилиш, ҳар бир муаммо, вазиятни ижобий ҳал этишга эришиш, ўз кучига ишонган ҳолда қўйилган мақсадга эришиш учун йўл топиш, масалаларни ҳал этишда қатъий ўз фикрида туриш.

3. Билимлари асосида мустақил фикрлаш.

- ҳар бир фан соҳаси бўйича билимларни пухта эгаллаш, мақсадга эришиш йўлида ўз кучига ишониш, «етти ўлчаб, бир кес» нақлига амал қилиш, ўз қарорини амалга оширишда иккиланмаслик ва ишонч билан бажариш, қўйилган вазифаларни янгича ҳал этишга ўрганиш.

4. Маънавий қадриятларга садоқатли бўлиш.

- одамийлик, меҳрибонлик, илтифот каби ҳис-туйғуларга эга бўлиш, атроф-олам гўзаллиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, ҳар қандай вазиятда ўз ҳис-туйғуларига эғалик қила билиш, ҳис-туйғуларининг ахлоқийлигига эришиш, бошқа кишиларга ғамхўрлик ҳис-туйғусига эга бўлиш.

5. Бурч ва масъулият ҳиссига эга бўлиш.

- жамиятга бўлган муносабатда ўз бурчини бажариш, ўз бурчига содиқ

бўлиш, ўз одобини онгли равишда талаб этилган умумий меъёрларга бўйсундириш, ўз фаолиятида бурч ва масъулият хиссини англаш, ҳар бир топширилган вазифага масъулият билан ёндашиш ва ўз вақтида бажариш бурчига эга бўлиш, инсон шанини ҳимоя қилишга тайёр туриш.

6. Виждонли, инсофли, диёнатли бўлиш.

- ўз виждонига содиқ бўлиш, одамларга ғамхўрлик қилиш, инсофли, диёнатли бўлиш, виждонсизларга мурасасиз бўлиш, жамият мулкига виждонан муносабатда бўлиш, ўз дўстлари ва бошқа кишиларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш.

Ўқувчиларда маънавий сифатларнинг шаклланганлик даражаси юқори, ўрта, қуйи даражаларга бўлинди. Бу даражалар қуйидагича аниқланди:

Юқори даражада: - мазкур гуруҳда Ватанга садоқат, ҳурмат, миллий истиқлол ғояларини ўзида мужассам этган, миллий ва умуминсоний анъаналарни яхши тушунган ўқувчилар ўрин олган. Улар маънавий сифатларга амал қилиб, ўзларининг ташқи ва ички маданиятлари билан жамоат жойларида ҳурматга эга бўладилар.

Бу гуруҳдаги ўқувчиларда мустақиллик хусусиятлари устун бўлиб, ўз тафаккури билан ажралиб турадилар. Улар маънавий сифатлар йўналишлари ҳақидаги билимларга эга бўлиб, унга амал қиладилар. Ўз дўстлари, ота-оналари, одамларга, жамиятга, ўз юртига меҳр-муҳаббатли бўладилар. Бошқа инсонлар билан дўстлик иplarини боғлайдилар. Уларнинг билиш даражалари юқори бўлиб, ўқув имкониятларидан унумли фойдаланадилар. Ўз билимлари билан бошқа ўқувчиларга намуна бўладилар. Бу ўқувчиларнинг диққатлари барқарор, хотираси мустаҳкам, фикрлаш доираси кенг, тафаккур салоҳияти яхши шаклландир. Улар ҳар бир топширикни мустақил равишда охиригача бажарадилар, ҳар бир ишга масъулият билан қарайдилар.

Ўрта даража – бу гуруҳдаги ўқувчиларнинг мустақил Ўзбекистон, миллий истиқлол ғояси ҳақидаги билимларида вақти-вақти билан ўзгаришлар сезилиб

туради. Улар мустақиллик тафаккурига эга бўлишни тушунадилар, лекин доимо бунга амал қилмайдилар. Аниқ мақсадга эришишнинг йўллари ва омилларини онгли равишда тушунмайдилар. Улар миллий истиқлол ғояси ҳақида етарли билимга эгадирлар, ғоя ва тафаккурни тўғри ажратадилар ҳамда бошқа кишиларда бундай хусусиятларнинг йўқлигини биладилар, лекин ижтимоий ҳаётда тажрибалари етарли бўлмаганлиги учун хатти-ҳаракатларида салбий томонлар учрайди. Бўш вақтларини беҳудага ўтказадилар. Ўқув имкониятларидан тўлиқ фойдаланмайдилар. Воқеа-ҳодисаларга берилувчан бўлиб, кўп гапиришлик ва кўполлик ҳолатлари учраб туради. Лекин улар ўзларининг хатти-ҳаракатларини тушунадилар ва бунда ўзларини айблайдилар. Аммо очикчасига қарши курашмайдилар. Уларнинг ташқи кўринишидаги қатъийлик шунчаки кўриниши бўлиб, у доимий эмасдир.

Қуйи даража – бу гуруҳдаги ўқувчилар маънавий сифатлар тушунчаси ва моҳияти ҳақидаги билимларга тўлиқ эга эмаслиги билан фарқланадилар. Улар ўзларининг ҳаракатларини тўғри режалаштира олмайдилар. Қўйилган талабларни бажаришда хатоликларга йўл қўядилар. Уларда фикр, тафаккур маданиятини бузиш ҳоллари учрайди. Масъулиятни ҳис этадиган ўқувчиларга истеззо билан қарайдилар, уларни тан олмайдилар. Тарбия жараёнида уларнинг ота-оналари томонидан ҳам фаоллик сезилмайди. Шунинг учун ҳамбўлар ўз-ўзларини бошқара олмайдилар. Уларнинг фаолиятида маъсулиятсизлик, бефарқлик сезилади. Фикрлари тарқоқ бўлиб, ўқишга муносабатлари ўз тенгдошларига нисбатан сезиларли даражада паст. Бу ҳолат ўқувчиларнинг барча фанлардан ўзлаштириш даражасининг пасайишга сабаб бўлади. Шунга кўра гуруҳ раҳбари ва фан ўқитувчилари улар билан яқка тартибда шуғулланишлари мақсадга мувофиқ. Бу гуруҳдаги ўқувчиларнинг фақатгина ўқишига эмас, балки тарбиясига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратувчи шахслар билимли, мустақил фикрли, одобли, меҳнатсевар, соғлом, миллий ғурурга эга

бўлган ватанпарвар, мард, шижоатли инсонлар бўлиши лозим.

Биз тажриба-синов ишлари жараёнида олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун ижтимоий фанларни ўқитиш, маънавий ва тарбиявий ишлар, халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш, миллий қадриятлар каби йўналишларнинг ҳар бирига 10 тадан саволлар тузилган сўров варақаларига 80 та ўқувчидан жавоблар олдик. Ҳар бир йўналиш бўйича ўтказилган саволлар асосида ўқувчиларда маънавий сифатларнинг шаклланиш даражасини дастлабки ҳолатини ва ундан кейинги аҳволини ўргандик. Ўтказилган тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики, ўқувчиларда маънавий сифатларни эгаллаш коэффициенти айниқса, тафаккури шаклланиш даражаси юқори бўлди. Биз буни В.П.Беспальконинг $K_a = A/P$ формуласи бўйича таҳлил этдик: бу ерда: K_a – мустақиллик тафаккурининг шаклланиш коэффициенти

A - саволларга берилган тўғри жавоблар сони

P - саволларнинг умумий сони.

Маънавий сифатларнинг шаклланиш коэффициенти 0 дан 1 гача, яъни агар 1 га яқин бўлса, коэффициентнинг юқори даражада эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, 0,86 дан 1 гача юқори коэффициент; 0,71 дан 0,85 гача яхши, 0,56 дан 0,70 гача ўрта, 0,55 гача – паст, даражани кўрсатди. Буни биз қуйидаги жадвалда ҳам кўришимиз мумкин.

Ўқувчиларда маънавий сифатларнинг шаклланиш кўрсаткичлари (сон ва коэффициент ҳисобида)

3.2.1-жадвал

80 ўқувчи	Бир неча хил турда ўтказилган саволларнинг натижалари						
	Гуруҳ	Саволлар сони	1 турда	2 турда	5 турда	7 турда	10 турда
Тўғри жавоблар	Тажр. гуруҳи	320	65	110	246	262	309

	Наз. гурухи	320	128	173	179	201	234
Ўзлашти риш коэффиц иент	Тажр. гурухи		0,20	0,34	0,56	0,82	0,97
	Наз. гурухи		0,4	0,54	0,76	0,63	0,73

Тажриба ишлари асосида ўқувчиларнинг маънавий сифатларнинг шаклланганлик даражасининг асосий кўрсаткичлари ҳисобга олинди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ўзлаштириш коэффициентига эга бўлган ўқувчилар 320 та саволнинг 309 тасига тўғри жавоб бериб юқори билимга эга эканликларини намоён этдилар. Бу гуруҳга маънавий сифатлар шаклланганлигининг барча асосий кўрсаткичлари мавжуд бўлган ва юқори даражага кўтарилган ўқувчилар киритилди. Бу гуруҳ ўқувчиларида маънавий сифатлар шаклланган бўлиб, улар жамиятга баҳо бериш ўқув малакаларига эгадирлар. Уларда мустақиллик ҳақидаги билимларни эгаллаш ва маънавий-маърифий ишларда фаол иштирок этиш эҳтиёжи, ўз қараши ва эътиқодини мустақил ҳимоя қилиш малакаси, шунингдек ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сабаблар, ҳиссиётлар ва ижтимоий бурчни тушуниш кабилар тараққий қилган.

Назорат гуруҳларида эса 0,73 ўзлаштириш коэффициентига эга бўлган ўқувчиларда мустақиллик тафаккури шаклланганлигининг асосий кўрсаткичлари мавжуд, бироқ бу кўрсаткичларнинг айримлари юқори даражада ўз ифодасини топмаган. Назорат гуруҳидаги ўқувчилар маънавий сифатларни шакллантириш мазмунидаги ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок қилишга тайёр бўлсаларда, айрим вазиятларда берилган топшириқларни бажармасликлари намоён бўлди.

Тадқиқот ишлари мантиғи фақат олдиндан ишлаб чиқилган кўрсаткичлар бўйича ўқувчилар тафаккурини шаклланганлик даражасини аниқлаш билан

чекланишнигина эмас, балки маънавий-маърифий ишлар жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни таркиб топтириш ва бунда энг мақбўл шарт – шароитларни яратишни ҳам талаб қилди.

Бу борада дастлаб тажриба-синов ишларини ташкилий-методик таъминоти аниқланди ва асосий йўналишлари белгиланди.

Тадқиқот иши жараёнида ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган билимлари, ахлоқий фазилатларини шакллантириш миллий истиқлол ғояси, комил инсон, маънавият ва маърифат блоклари бўйича ташкил этилди ва ҳар бир блок бўйича асосий мезонлар белгиланди ва ана шу мезонлар асосида ўқувчиларнинг маънавий сифатларга доир билим ва кўникмалари қандай шаклланганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижалари сифат ва миқдор жихатдан таҳлил этилди ва танланган методлар ҳамда унинг илмий фаразининг ҳаққонийлигини тасдиқлади.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларидан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари каби маънавий-маърифий ишларга ҳам алоҳида аҳамият берила бошланди. Президент И.А.Каримов томонидан Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари миллий ва умуминсоний кадриятларга садоқатлилиқ, халқимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилишига шароит яратиш, миллий истиқлол ғояларини атрофлича ўрганиш ўқувчи-ёшларда маънавий-маърифий ишлар жараёнида маънавий сифатларни шакллантиришнинг назарий асослари яратилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, фармонларида маънавий сифатларни шакллантиришга оид баён этилган фикр-мулохазалар дастуриламал қилиб олинди ва ана шу асосда танланган муаммони ёритишга ҳаракат қилинди.

Маънавий-маърифий ишлар жараёни жуда кенг қамровли бўлиб, инсонлар томонидан яратилган маънавий бойлиқлар, илғор ғоялар ва таълимотларни, таълим-тарбия, фалсафа, дин, ҳуқуқ, ахлоқ, санъат, адабиёт, миллий истиқлол ғояларини қамраб олади.

Тадқиқотда ўқувчи-ёшларнинг маънавий сифатларни шакллантириш маънавий-маърифий ишларнинг асоси эканлиги назарий жихатдан асосланган. Ўқувчи шахсида маънавий сифатларни шакллантиришда Ўрта Осиё

мутафаккирларининг асарларидаги Ватан, юрт, халқ, маънавият ҳақидаги ғояларидан фойдаланишнинг самаралари илмий педагогик жиҳатдан таҳлил этилган.

Маънавий-маърифий ишлар жараёнида ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришга доир тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ўрта махсус таълими тизимидаги тахсил оладиган ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш маънавий-маърифий ишларининг самарадорлигини ошириш билан узвий алоқада бўлиб, аввало шахс маънавиятини ривожлантириш билан уйғун ҳолда амалга оширилади.
2. Ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бўлар - халқимизнинг миллий маънавий мероси, тафаккур тарзи, анъаналари, урф-одатларида намоён бўлади.
3. Маънавий сифатларни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганиш жараёнида дунёқараши кенг, иродаси бақувват ўз кадр-қимматини англайдиган, ҳаётда ўз нуқтаи назарига эга шахсни тарбиялашга асосий эътибор қаратилди. Бундай шахс мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ҳақиқий фуқарога айланади. Айниқса, «Миллий истиқлолғояси: асосий тушунча ва тамойиллар,» «Маънавият асослари» ўқув фанлари катта имкониятларга эгадир.
4. Ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришда маънавий-маърифий ишларнинг энг мақбўл йўналишларини белгилаш, мазмунини бойитиш энг илғор шакл ва методларни танлаш бу борада илғор технологияларни қўллашни тақозо этди.
5. Тажриба-синов ишлари жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташқил этиш ва уни амалга оширишда анъанавий таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва уни ўзгартиришга технологик ёндашув ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда маънавий сифатларни шакллантиришга эътибор қаратилди.

6. Коллеж гуруҳ раҳбарлари фаолиятини ташқил этишда ҳам ўқувчиларнинг назарий билишларини эркин, мустақил, ижодий фикрлашга йўллаш орқали маънавий сифатларни шакллантиришга йўналтириш тарбия самарадорлигини оширишга ёрдам бери.

7. Олиб борилган тадқиқот натижалари ўқувчиларнинг мустақиллик ҳақидаги тушунча ва тасавурларининг маънавий сифатларга айланганлигини намоён этди.

Ушбу муаммони янада такомиллаштириш учун қуйидаги **тавсияларни** амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- машғулотлар жараёнида ўрганиладиган мавзулар мазмунида Президентимизнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” китобидаги асосий тушунча ва тамойилларига эътибор бериш, улардан маънавий сифатларни шакллантиришда фойдаланиш масадга мувофиқ;

- маънавий меросимизнинг инсон тафаккурини ривожлантиришга доир манбаларини таълим-тарбия истеъмолига киритиш лозим;

- ўқувчиларнинг маънавий сифатларни шаклланганлик даражасини аниқлаш мониторингини ишлаб чиқиш зарур;

- ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантириш асосида уларнинг фикрлаш қобилияти, истеъдодини ривожлантириш механизмини яратиш мақсадга мувофиқ;

- ўқувчиларда маънавий сифатларни шакллантиришда илмий-методик, илмий оммабоп адабиётлар мажмуини яратиш лозим;

- мазкур муаммога доир фундаментал илмий тадқиқот ишларини олиб бориш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Олий таълим Меъёрий ҳужжатлари / Академик С. С. Фуломов таҳрири остида. Т.: «Шарқ», 2001. - Б. 3-18.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Олий таълим Меъёрий ҳужжатлари / Академик С. С. Фуломов таҳрири остида. - Т.: «Шарқ», 2001. - Б. 18-52.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари

3. “2014 йил – Соғлом бола йили” Халқ сўзи 12 декабр, 2013 йил.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

4. 2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хўнарс таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли қарори // Маърифат газетаси. - 05.10.2001. - 221.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

7. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: «Ўзбекистон», 2009.-24 б

10. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008.- 176 б

IV Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-қонуний ҳужжатлари

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан
21.02.2002 йилда тасдиқланган UDT№ВМ-343-14-3401-02 № 54-сонли
5140900-Касбий таълим (иқтисодиёт) таълим йўналиши бўйича ДТС

V. Дарсликлар

14. Жўраев А. Тарбиявий дарсларни ўтиш. Синф раҳбарлари учун қўлланма, -Т.:
Ўқитувчи, 2004.-136 б.

17.Зиёмуҳамедов Б ва бошқалар. Маънавият асослари (Дарслик). –Т.: Ўзбекистон
миллий энциклопедияси, 2000.-192б.

18.Зиёмуҳамедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. –Т.: Ўзбекистон миллий
энциклопедияси, 2000. –127б.

19.Зиёмуҳамедов Б. Экология ва маънавият Т.: Чинор, 1997.-103б.

20.Иброҳимов А, Султонов Х, Жўраев Н. Ватан туйғуси Т.: Ўзбекистон,
1996.-396б.

21.Маънавият (маънавият ва маърифат асосларини ўргатувчиларга ёрдам)
Тузувчилар: М.Абдуллаев ва М.Хусанбоев – Фарғона, 1999. –76 б.

22.Маънавият асослари: (Тузувчилар:Б.Зиёмуҳамедов, М.Ҳамдамова).- Т.: 1999.
–29б.

23.Маънавият ва маърифат асослари (Маъруза матнлари ва уларга услубий
маслахатлар): Тузувчилар: С.Отамуродов ва бошқ. –Т.: 1998. –152 б.

24.Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси, 1993.-224б.

25.Қуръони Карим Т.: Чўлпон, 1992.-540 б.

26.Ғозиев Э. Тафаккур психологияси: (Дорилф. тал-и учун қўл).–Т.: Ўқитувчи,
1990.-184 б.

VI Ўқув қўлланмалар

27.Абдуллаев М. ва бошқ. Маънавият (ўқув қўлланма). Фарғона. 1999.-78б.

28.Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. (Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов асарлари асосида).-Т.: Шарқ. 2001.-160 б.

VII. Монография ва илмий мақолалар.

29.Вафоев О. Маънавият тараққиёт омили. Истиқлол ва маънавият // Мулоқот. 2008, 2-сон.

VIII. Докторлик, номзодлик, магистрлик диссертациялари

30.Касимова З.Х. Ўқувчи-ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари (Олий ўқув юртлари маънавий-маърифий ишлари мисолида):- пед.фан. номз. ... дисс. автореф.-Т.:2004.-20б.

31.Қуронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий педагогик асослари: пед.фанл. докт. ... дисс.- Т.: 1998.- 316 б.

IX Газета ва журналлар.

33.Президент Ислом Каримовнинг“Соғлом бола йили” га бағишланган маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 2013 йил 12 декабр .

34. Педагогик таълим. 2012-2013.

35. Халқ таълими. 2013-2014

X Статистик маълумотлар тўплами.

38.Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлашнинг 2010 йилгача булган статистикаси // Касб маҳорати ахборотномаси. - Т.: 2001. - N2. - Б.28

XI. Битирув малакавий ишлари.

39.Ортиқов Н. Ёш авлодни муқаддас ғоялар руҳида тарбиялаш бўйича тавсиялар.-Тошкент,2008. 86б

XII.Интернет сайтлари.

40. www.gov.uz-ЎзР ВМ ва Президентининг қарор ва фармойишлари.

41.<http://www.edu.uzb> УзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб сайти.

42 <http://www.tseu.uzl-> ТДИУ нинг расмий веб сайТи. www.letopsvb.ru